


**ИРҲОН ТҶҲТИЕВ**

**АМИР ТЕМУР  
ВА  
ТЕМУРИЙЛАРНИНГ  
МОЛИЯ-ПУЛ  
СИЁСАТИ**





ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИ

**ИРПОН ТЎХТИЕВ**

**АМИР ТЕМУР  
ВА  
ТЕМУРИЙЛАРНИНГ  
МОЛИЯ-ПУЛ  
СИЁСАТИ**



ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2006

Халқаро Амир Темур жамгармаси Илмий кенгаши  
томонидан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррирлар:  
МУҲАММАД АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, филология фанлари номзоди  
ЛАЗИЗ ТАНГРИЕВ,  
сиёсий фанлар номзоди

Тақризчилар:

**ТУРГУН ФАЙЗИЕВ,** тарих фанлари номзоди  
ЖАННАТ ИСМОИЛОВА, тарих фанлари доктори

Мазкур асарда улуғ саркарда ва давлат арбоби, бобокалонимиз Амир Темур ҳамда темурийлар сулоласи даврида муомалада бўлган танга пуллар, улар билан боғлиқ тарихий воқеалар, темурийлар давлатининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида молия-пул тизимининг аҳволи кўплаб далиллар ва мисоллар асосида баён этилган. Бундан ташқари, китоб сўнгида Ўзбекистон тарихи Давлат музейида сақланаётган танга пулларнинг фотосуратлари, улардаги ёзувлардан намуналар келтирилиб, мустақил Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси ҳақида ҳикоя қилинган.

ISBN 978-9943-01-008-6

0501000000 - 221  
Т 2006  
М351(04) 2006

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2006 й.

*"Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ гоя керак. Бу гоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас"*

**Ислом КАРИМОВ**

## **БЕБАҲО МЕРОС**

Ўз ўтмишини чуқур ўрганмаган, уни қадрламаган халқнинг келажги бўлмайди. Буюк аждодларимиз қолдирган бой меросимизни ҳар томонлама тадқиқ этиш, асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш энг муқаддас вазифа ҳисобланади. Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида бу борада жуда катта хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Истиқлол йиллари биз учун том маънода ўзликни англаш, улуг ўтмишимизни қайта тиклаш ва чексиз фахру ифтихор ила бутун дунёга намоён этиш даври бўлди.

Ҳеч кимга сир эмас, бир асрдан кўпроқ вақт давом этган чоризм зулми ва шўролар империяси бизни иддизимиздан, томиримиздан деярли айириб қўйган эди. Яратганга минг бора шукроналар бўлсинки, давлатимиз раҳбари бошчилигида мустақилликка эришишимиз бундай аянчли кемтикни тўлдириш имконини берди. Бугун заҳматкаш ва фидойи олиму тадқиқотчиларимизнинг машаққатли ва самарали меҳнати эвазига жаҳон жамоатчилиги бебаҳо меросимиз ва аждодларимиз эришган улкан ютуқлардан воқиф бўлмоқда.

Қўлингиздаги мазкур китоб ҳам ушбу хазинамизни бойитишга қаратилган бўлиб, унда Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида муомалада бўлган танга пуллар, улар билан боғлиқ тарихий воқеалар, давлатнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи, унинг молия-пул тизими, тангалари тарихи кўплаб ишончли далиллар, мисоллар билан изоҳланган, таҳлил этилган.

Асарда бу соҳадаги бошқа изланишлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон тарихи Давлат музейида сақланаётган тангалар ўрганилиб, тангаларда иймон ва эътиқод туйғулари билан битилган муборак ёзувлар ва уларнинг мазмуни келтирилган.

Шунингдек, Амир Темур ва унинг сулоласи томонидан зарб қилинган турли қийматдаги тангалар пул сифатида нафақат ушбу мамлакат ҳудудида, балки бошқа қўшни давлатларда ҳам тўлов ва муомала воситаси бўлиб хизмат қилгани, ўша даврда пул чиқариш ва унинг муомаласини тартибга солиш билан боғлиқ жорий этилган қоидалар, хизматлар моҳиятини имкон қадар очиб беришга ҳаракат қилинган. Мамлакат иқтисодий ва молия тизимининг такомиллашуви, давлат ҳокимиятида биринчи девон Амир Темур девони бўлган бўлса, иккинчиси молия девони бўлганлиги, унинг вазифалари ва ваколатлари аниқ баён этилган.

Мазкур асарда давлат ва молия-пул тизимини бошқаришнинг этикаси тўғрисида Амир Темур бобомиз жорий этган ва амал қилган тамойиллардан айримларининг изоҳи берилган. Жумладан, китобда соҳибқирон "Тузуқлар"идан қуйидаги парча келтирилади: "Қайси вазир ишини софлик, тўғрилиқ билан ... бажарар экан, ундай вазирни энг олий мартабаларга етказсинлар, қайси вазир ... ёмонлик йўли билан мамлакат ишларини юргизар экан, кўп ўтмай салтанатдан хайру баракат кўтарилади".

Китобни ўқиш жараёнида бой тарихимиз, аждодларимиз қаҳрамонликларидан чуқурроқ бохабар бўлиш билан бирга, бизга мерос бўлиб қолган ва бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ҳаёт сабоқларидан баҳраманд бўласиз.

Ишонаманки, бебаҳо меросимиздан ҳикоя қилувчи ушбу асар жаннатмакон юртимизнинг шонли тарихи ва буюк келажагига бифарқ бўлмаган ҳар бир зиёли, хизматчи, талаба, қўйингки кенг китобхонлар оммаси учун қизиқарли ва муҳим аҳамиятга эга асарга айланади.

Ф.М. МУЛЛАЖОНОВ  
Ўзбекистон Республикаси Марказий  
банки раиси, Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган иқтисодчи



## К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йили Тошкентда Соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида шундай деган эди: "Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди. Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий гурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аجدодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади"<sup>1</sup>. Ушбу сўзлар замирида жуда катта ҳақиқат, адолат, гурур ва ифтихор бор эди.

Амир Темур буюк давлат арбоби, улуғ ҳукмдор, дипломат, иқтисодчи, ислоҳотчи, олижаноб шахс, фан ва маданият ҳомийси сифатида XIV аср охири ва XV аср бошларидаёқ Шарқу Ғарбда машҳур эди.

XV асрда яшаб ижод қилган араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ Амир Темур ҳақида: "(Амир)Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икрому ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёярдики, бу муруввати унинг ҳайба-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.: «Ўзбекистон». 1996 й. 360-бет.

ти билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эди..." — деб ёзади<sup>1</sup>.

1996 йили Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини бутун дунё жамоатчилиги алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан нишонлади. Шу жумладан, 1996 йил апрелда Европанинг маркази бўлган Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида "Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маърифатнинг гуллаб-яшнаши" мавзуида илмий конференция ҳафталигининг ўтказилиши ўзбек халқининг минглаб йиллар давомида илм-фан, санъат ва маданият соҳасида эришган ютуқларига берилган юксак баҳо вазифасини ўтади.

Амир Темур Чингизхон бошлиқ истилочиларнинг 150 йиллик зулмига хотима ясаб, бутун Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириб, ғарбдаги Кичик Осиёдан шарқдаги Хитой деворигача, шимолдаги Дашти Қипчоқ ва жанубдаги Форс кўрфазигача бўлган ҳудудларда марказлашган буюк давлат барпо этди.

Амир Темур давлатининг бош шиори "Рости-русти", яъни "Куч — адолатдодир" бўлганлиги учун ҳам, бу шиор нафақат Марказий Осиёдаги давлатларга, балки бутун дунё давлатларида илм-фан, маданият, архитектура ва санъатнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам санъатшунос олим Артур Поуп: "Оврупо ҳамон уйқуда чоғида, ислом донишлари оламнинг ярмини илму урфон нури билан чулғаган эди" — деганида Амир Темур даври фани ва маданиятини назарда тутган бўлса, швед санъатшуноси Ф.Р.Мартин Амир Темур даврига доир тасвирий санъат намуналарини ўрганиш натижасида бу давр санъати биргина Осиёнинг эмас, балки жаҳон санъатининг катта ютуғи эканлигини қайд этган ва темурийлар сингари санъатни қадрлаган ҳукмдорлар Марказий Осиёда бўлмаган, деган хулосага келган эди.

Катта ёки кичик миллат бўлишидан қатъи назар, ҳар бир миллатнинг ўз тарихий йўли ва жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси бўлади. Лекин совет империясининг мустамлакасига айланиб қолган даврларда, халқимиз ўзининг узоқ ўтмишдаги шонли тарихидан, жаҳон маданиятининг ривожланиши учун қўшган ҳиссасидан ва миллий қаҳрамонлари билан фахрланиш ҳис-туйғуларидан маҳрум қилиб қўйилган эди.

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб Т., «Меҳнат». 1992 й. 69-бет.



Бир миллатни йўқ қилиш учун у миллатни жисмоний йўқ қилиш шарт эмас, бунинг учун у халқни ўз тарихини билиш, ўз тилини ўрганиш имкониятидан маҳрум қилишнинг ўзи кифоядир. Ўтмишда шундай бўлган ҳам. Амир Темур ва темурийлар давридан оғиз очиш мумкин эмас эди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ўз тарихимизни чуқур ўрганиш, миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, уни халқ оммаси орасида кенг тарғиб қилиш имконияти пайдо бўлди.

Шу муносабат билан Наполеон Франция учун, Пётр I Россия учун буюк саркарда ва миллий қаҳрамонлар ҳисоблансалар, Амир Темур ҳам Марказий Осиёни бирлаштириш ва бу ерда фан-маданиятнинг ривожини учун катта улуш қўшган, тарихни олға ҳаракатлантирган буюк тарихий шахсдир.

2006 йили Соҳибқирон Амир Темурнинг туғилганига 670 йил тўлди. Ушбу сананинг нишонланиши халқимиз ҳаётида катта тарихий воқеа бўлиб қолишига, кўнгилларга эса шодлиғу фараҳ солишига асло шубҳа йўқ.

Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда: "Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демақдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демақдир.

Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демақдир"<sup>1</sup>.

Амир Темур ва темурийлар сулоласи ҳақида ўз даврида ва ундан кейинги даврларда Гиёсиддин Али, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийлар томонидан ёзилган бебаҳо асарлар узига хос тарихий далилларга бойлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир. Тарихчи ва элшунос олим Ҳафизини Абрўнинг "Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий" ("Бойсунғур Мирзонинг сараланган тарихи"), Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур ва унинг даврига оид ёзилган: "Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари", Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаъ ул баҳрайн" ("Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки ден-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Янгича фикрлаш — давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон». 1997 й. 173-бет.

гизнинг қушилиш жойи") ва бошқа асарларда Амир Темур ва темурийлар даврининг тарихи, сиёсий-ижтимоий аҳволи ва зафарли юришлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Лекин уларда Амир Темурнинг пул-молия сиёсатига оид маълумотлар кам учрайди. Амир Темурнинг бу соҳадаги фаолиятини ўрганмасдан ўша даврнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий тарихини тўла ёритиб бериш мумкин эмас.

Темурийлар даврида зарб этилган тангалар тузумнинг иқтисодий аҳволини, пул-молия сиёсатини ўрганишда муҳим тарихий манба ҳисобланади. Шунинг билан бирга улар тарихда бўлиб ўтган савдо-иқтисодий алоқалар, ўша давр воқеалари, сулолалар тарихининг йилномалари, ёзма манбаларда қайд қилинмай қолган ҳукмдорларнинг номи ва улар яшаган йилларни аниқлашда қимматли маълумотларни берадиган ҳақиқий ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу асар Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг нумизматика (тангашунослик) бўлимида сақланаётган Н-21, Н-47, Н-154 коллекциялари ҳамда XIV аср охири ва XV аср бошларига оид топилган икки дафина (хазина)даги Амир Темур ва авлодларининг кумуш ва мис пуллари асосида ёзилди. Дафиналардан бири 1965 йили ноябрь ойида Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрига яқин Дукент қишлоғидан топилган. У ерда 69 дона танга ва 262 дона мири бўлган.

Иккинчи дафина 1989 йили 3 августда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманига қарашли Терак ва Чигатой қишлоқлари оралигида, бульдозерчилар А.Мўминов ва А.Кенжаевлар томонидан топилган. Улар бу ердан топилган тангаларни Яккабоғ ижроқўмининг молия бўлимига топширганлар. Молия бўлими эса унинг асосий қисмини Москвадаги қимматбаҳо буюмларни сақлаш хазинасига жўнатиб юборган.

Бу дафинадан олинган икки пудга яқин, яъни 31 кг тангаларнинг бир қисми қўлма-қўл тарқалиб кетган. Бу хабар бизга етиб келгандан сўнг Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг нумизматика бўлими ходимларидан А.Мусакаева ва ушбу сатрлар муаллифининг жиддий ҳаракатлари натижасида 1129 дона кумуш танга пуллар аҳолидан йиғиб олиниб, музейнинг нумизматика фондига топширилган эди.

Бу дафина ҳам икки номинал (қиммат)даги тангалардан иборат бўлиб, мирилар 575 донани, тангалар эса 554 донани ташкил этган. Мирилар, асосан, Самарқандда 782/1380 ва 808/1405 йиллари зарб қилинган бўлиб, улар 562 донани, Хоразмда 791/1388 ва 807/1404 йиллари зарб этилган мирилар 11 донани ва Мордин шаҳрида зарб қилингани 2 донани ташкил қилади, ушбу икки мирининг йил саналари ўчиб кетган.

Тангаларнинг Хоразмда 1388 йиллардан кейин зарб қилинган бир неча донасидан бошқа ҳаммаси Хуросон, Эрон ва Ироқнинг шу даврдаги Астробод, Бағдод, Бомиён, Ҳирот, Исфахон, Кермон, Қум, Мордин, Машҳад ва бошқа шаҳарларида турли йилларда зарб қилинган.

Амир Темур ва темурийлар сулоласининг танга пулларига оид ёзилган ушбу асарга Ўзбекистон тарихи Давлат музейида сақланаётган жуда ноёб тангалар ҳақидаги маълумотлар киритилган. Бу асар нумизмат (тангашунос), археолог, тарихчи, санъатшунос, шунингдек Амир Темур ва темурийлар даври тарихига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.





## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАНГА ПУЛЛАРНИ ЗАРБ ҚИЛИШ ТАРИХИДАН

**О**датда пул деганда кўз ўнгимизда қиймати кўрсатилган турли рангли қоғоз пуллар (банкнотлар) гавдаланади.

Олимларнинг айтишича, ер юзида инсонлар фаолиятининг бошланганлигига бир миллион йилдан кўпроқ бўлган. Энди инсонларнинг яшаши учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа эҳтиёжли буюмларни сотиб олиш воситаси бўлган пулнинг пайдо бўлганлигига эса ҳали уч минг йил ҳам бўлган эмас.

Жуда қадим даврларда биринчи ижтимоий меҳнат тақсимоти юзага келиб, чорвачилик, деҳқончилик, қўл ҳунармандчилиги ва кулолчилик пайдо бўлиши билан қабила-ю жамоалар ўртасида ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни бошқа қабила ва жамоалар ишлаб чиқарган буюмлар билан айирбошлашнинг ривожланиши натижасида натурал (табiiй) айирбошлаш келиб чиқди. Масалан, кулоллар ўз маҳсулотлари — коса, лаган, кўза, хум кабиларни бозорга олиб бориб, бугдойга алмаштиришган, кимга қандай идиш керак бўлса (косами, хумми) ўшани бугдойга тўлдириб тўккан, дон кулолники, идиш эса деҳқонники бўлган. Ёки тарозининг бир палласига гуруч иккинчи палласига эса бугдой солиб алмаштирилган.

Рус олими академик А.Е.Ферсманнинг ёзишича, Африка қитъасининг туз танқис жойларида бир ҳовуч тузга бир ҳовуч тилла алмаштириш мумкин бўлган.

Бир вақтларда араб саҳроларида кўчманчилар учун айирбош-лаш вазифасини хурмо меваси ўтаган бўлса, Мўғулистонда бир тахта хитой чойига битта қўй ёки эчки, ёхуд 2 та мол териси ё битта кигиз алмаштириш мумкин бўлганлигини Марко Поло ўз саёҳатномасида ёзиб қолдирган.

Улар ана шундай йўллар билан ўзларининг турли хилдаги меҳнатларини бир-бирига тенглаштирган ҳолда айирбошлар эди.

Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ўзининг "Жавоҳирлар" китобида жавоҳирлар билан боғлиқ бўлган воқеаларни ҳам келтириб ўтади. У натурал алмашув тўғрисида бундай бир воқеани ҳикоя қилади. Кунлардан бир кун нотаниш оролга келиб қолган сайёҳ у ерлик одамнинг қўлида ўзи учун керакли нарсани кўриб, бир олтин динор беради. Маҳаллий одам динорни қўлига олиб айлантириб кўради, сўнг ҳидлайди ва таъмини билмоқчи бўлади. Динорда ҳеч қандай фойдали белгиларни ва таъмини сезмайди, уни эгасига қайтариб бериб: "Сен берган нарсанинг мен учун ҳеч қандай фойдаси йўқ экан" — дейди. Ана шу ҳикоя орқали Абу Райҳон Беруний қадимий даврларда одамлар ўз маҳсулотларини фақат ўзи учун зарур ва эҳтиёжли бўлган буюмлар билан айирбошлаганини кўрсатади.

Қадимги турк тилида муйнаси қиммат жонзод — олмахон — "тийин" деб аталган. Унинг териси натурал айирбошlashда муҳим роль ўйнаганлиги учун "тийин" сўзи пул қиммат бирлигини кўрсатадиган атама бўлиб қолган.

Ҳозирги ўзбек тилидаги "танга" сўзи қадимги турк тилидаги "тамга" сўзидан келиб чиққан бўлиб, қадимда ҳар бир ҳукмрон ҳокимлар турли металл, олтин, кумуш, мисларга ўз тамғасини босиб муомалага чиқарганлар ва бу пуллар "тамга" пул деб юри-

тилган, кейинроқ бориб бу "танга" сўзига айланиб қолган. Рус тилидаги "деньги" сўзи ҳам "танга" сўзидан олинган<sup>1</sup>.

Демак, танга пуллар қадимий даврларда, яъни ижтимоий меҳнат тақсимоти туғилиб, ишлаб чиқариш анча ривожланган, маҳсулотлар ўз эҳтиёжидан ортиб қолган ва уни бошқа, масалан, қишлоқ хўжалик ёки (қўл)хўнармандчилик маҳсулотлари билан алмаштириш зарурияти пайдо бўлган бир даврда товарларнинг алмаштириш эквиваленти (муқобил қийматли ўлчов) сифатида пайдо бўлган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнининг тобора ривожланиб бориши турли қабила, халқ ва мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқнинг, товар айирбошлашнинг заруриятини юзага келтирди. Турли халқ ва мамлакатларда турли товарлар умумий эквивалент ҳисобланганлиги бу жараённинг тараққий этишига тўсқинлик қилди. Натижада бутун товарлар дунёсидан шундай товар ажралиб чиқдики, у барча ҳудуд ва мамлакатларда умумий эквивалент (тенг қийматли ўлчов) сифатида қўлланила бошлади. Бу вазифани қимматбаҳо металллар, аввал мис ва кумуш, кейинчалик эса олтин бажарадиган бўлди.

Охир-оқибатда оддий товар кўринишидаги умумий эквивалент ўрнига пул шаклидаги эквивалент майдонга келди. Бундай олтин (динор), кумуш (дирҳам), мис (фулус) оддий товар эмас, балки ўзига хос махсус товар бўлиб, унда айирбошлашнинг натура шакли билан эквивалент шакли бирилашиб кетгандир.

Дунёда энг қадимий биринчи танга пуллар Юнонистон, Мидия (Кичик Осиё) ва Хитойда милоддан аввалги VIII—VII асрларда муомалага киритилган. Ўзбекистон қадимдан товар-пул

<sup>1</sup> Баъзи тадқиқотчилар рус тилидаги «копейка» (тийин) сўзи Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган Чигатой хонларидан Кепакхон (1318—1326 й.) номи билан боғлиқ деб тушунтирадилар. Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қаранг: Марқов А. Русская нумизматика. Петроград, 1916 г. 24-25-бет, М.Е.Массон Динарь копейки изд. АН Турк. ССР 1972. №4, 35-бет. Бартольд Соч. Т. II. ч.2.М.1964 г. 543-бет.

муносабатлари ривожланган давлатлардан бири бўлганлиги учун бу ҳудудда сиёсий, иқтисодий мустақиллик рамзи бўлган танга пуллар бундан тахминан 2500 йиллар муқаддам зарб қилинган.

Тарихчиларнинг тадқиқотларига кўра, милоддан аввалги V—IV асрларда Аҳмонийлар империясида зарб қилинган олтин дариклар ва кумуш сиклар Марказий Осиё ҳудудида топилган. Бироқ, товар-пул муносабатлари бу Искандар Мақдуний юришларидан кейинги даврда, Салавкий ва Юнон-Бақтрия давлати барпо этилгандан сўнг чинакамига ривожланди.

Милоддан аввалги III аср ва II асрнинг охирига бориб, Хоразм, Бухоро, Сўғд, Шимолий Бақтрияда кумуш ва субэратли (бронза устига юпқа кумуш қопланган) "тақлид" тангалар зарб қилинган бўлиб, бу мустақил танга зарб қилиш бошланганлигини кўрсатадиган муҳим далилдир.

Сўғда милоддан III аср аввал Салавк подшоҳи Антиох тангаси типидagi драхма тангаларни зарб қилган эди. Сўғднинг ғарбий қисми (Бухоро воҳаси)да эса Гиркод тангалари, Шарқий қисми (Самарқанд воҳаси)да эса камон отаётган одам тасвирланган тангалар зарб қилинган бўлиб, ҳар иккисининг келиб чиқиши тўққиз юз йил давом этган Антиохнинг қадимги драхма тангаларига бориб тақалади.

Бухоро сўғдлари Юнон-Бақтрия подшоҳларидан Евтидемнинг (милоддан аввалги 235—220 ёки 200 йиллар) Тетрадрахмасига (милоддан аввалги II асрдан милоддан кейинги VI асрларгача) тақлид қилиб, тангалар зарб қилган бўлсалар, Хоразмда милоддан аввалги II асрларда Евкратид тетрадрахмасига тақлид қилиб тангалар зарб этдилар.

Юнон-Бақтрия-Тоҳаристонда милоддан аввалги 256—250 ва 155—130 йиллар ҳукмронлик қилган подшолар танга пулларни муомалага киритган бўлсалар, кейин Юнон-Бақтрия подшоҳларидан Евкратиднинг кумуш ва мисдан тайёрланган драхма, тет-



радрахма ва оболларига тақлид этилган кумуш ва мис танга пулларни зарб қила бошладилар. Кейинроқ бориб ва савдо алоқаларидаги ўзгаришларга қараб танга пуллардаги тасвирлар ҳам ўзгариб борди. Ўрта Осиёда кўчманчи қабилаларнинг пайдо бўлиши билан икки дарё оралигидаги жойларда илгариги эллин намунасидаги тангалар сарматларнинг юмалоқ шаклдаги тамғаси ва бошқа элементлар билан тўлдирилди.

Ўрта Осиёда шакланган империялар таркибига қўшни давлатларнинг қўшиб олиниши натижасида тангаларда Ҳинд ва Эроннинг турли рамзлари пайдо бўла бошлади.

Кушон подшоҳларининг (милоддан аввалги I аср ва милоддан кейинги III аср) тангаларида ҳинд худоларидан Шива тасвирланган бўлиб, у эллин маъбудалари ва маҳаллий зардуштий худолар билан "тинчликда бирга яшади" ва улар тангаларнинг терс томонига жойлаштирилди.

Ўрта Осиёдаги тангаларга худоларнинг тасвирлари чизилиши Эрон сосонийлар давлати (милоднинг III—VIII асрлар)га жуда катта таъсир курсатди. Бухоро сўғдларининг танга пулларида оташпарастларнинг Олов меҳроблари ва бошқа рамзий белгилар пайдо бўлди.

Айниқса IV асрлардаги Сосон-Кушон подшоҳларининг мис ва тилладан зарб қилинган танга пулларида турли эътиқод (культлар) элементлари акс эттирилган. Бунга кучли кўчманчи империялардан Кангуй, кидаритлар, хионитлар, эфталитлар ва турк хоқонларининг маданият элементлари тангаларда ўз аксини топганлиги мисол бўла олади.

Дастлаб Эллин давридаги тангаларга тақлид қилиб зарб қилинган тангаларда қабила белгиларига оид тамгаларнинг пайдо бўлиши, кейинроқ бориб тангаларнинг бир томонига асосий маъбудалар сурати туширилиши тангаларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. III асрлардаги Сўғд, Чоч, Хоразм, Тоҳаристон тангаларида ва ундан кейинги қадимий ва илк ўрта аср

тангаларида ана шундай бўлган эди. Кейинроқ бориб мавҳум (топишмоқ) бўлиб қолган қабила белгилари урнига кўчманчи қабилалар подшоҳларининг тасвири, анъанавий таралган соч ва мураккаб бош кийимларда бургут, туя ва бошқалар тасвири берилган бошланди.

V асрларга келиб янги кўринишдаги тангалар, эфталитлар давлати тангалари пайдо бўлди. Сосонийлар сулоласининг кумуш драхмаларидаги асосий расмлар ва қадимий ёзувлар устига эфталитлар кичик қолиплар билан ўз тамгаларини қайта уришди. Бундай услубни милондинг I-асрларидаги Ўзбекистоннинг жанубидаги Парфия подшоҳларидан Фриатнинг драхмаларида кўриш мумкин. Эфталитлар ана шу анъаналарини давом эттириб, сосонийлар тангаларига қайта тамгалар уриш билан бирга ўзлари ҳам унга ўхшатиб драхмаларни зарб қилишга киришдилар.

Тангалар ноёб тарихий манба бўлиб, унда фақатгина қадимги подшоҳларнинг ташқи қиёфаси акс эттирилиб қолмай, балки ўтган асрлардаги диний эътиқодлар ҳам акс этган. Фақат тангалардагина қадимги тиллар, ёзувлар, унвонлар, ҳокимлар, шаҳар ва зарбхоналар номи сақланиб қолган.

Энг қадимги тангаларда юнон ёзувининг белгилари бўлиб милондан аввалги II асрларда Сўғд ва Бақтрия ёзувлари пайдо бўлди. Сўғд ёзуви арамей ёзуви асосида, Бақтрия ёзуви қадимги юнон ёзуви асосида келиб чиққан. Ундан бошқа тангаларда қадимий ҳинди ёзуви ххарушти ва қадимги эроннинг пахлавий ёзуви ҳам учраб туради.

VIII асрларда ҳокимият бошига араб халифалиги келиши билан тангаларга подшоҳларнинг расмини солиш бутунлай йўқолди. Араб халифалигида VII асрларда Византия ва Эрон Сосонийлар тангалари муомалада юритилган бўлса, VII аср охирлари ва VIII аср бошларига келиб халифа Абд-ал-малик Византия ва Эрон Сосонийлар тангалари ўрнига халифаликнинг турли шаҳарларида араб ёзувида иймон келтириш калимаси

لا اله الا الله محمد رسول الله («Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ») билан тангаларни зарб қила бошлади.

VIII аср бошларида араблар Ўрта Осиёни босиб олиши билан бу жойларда арабларнинг тилло танга пуллари динар (4,25 г.), кумуш дирҳам (2,95 г.) ва мисдан тайёрланган фулус (2,9) танга пуллари муомалада юритилди.

Бу танга пулларда ҳеч қандай тасвирий суратлар берилмаган бўлиб, унинг одд томонидаги юзига калимаи тоййиба (иймон келтириш калимаси), орқа томонига эса араб ёзувида тангаларни зарб қилган сана, зарбхона ва халифа номи билан бир маҳаллий ҳокимнинг номлари ёзилган.

Ўрта Осиёда мустақил Тоҳирийлар сулоласи (821—873 йй.) ва Сомонийлар сулоласи (874—999 йй.) даврида жуда кўп кумуш тангалар (дирҳам) ва мис тангалар — фулуслар зарб қилина бошлади.

Қорахонийлар давлати дастлаб Шарқий Туркистонда (IX асрлар) ташкил топган бўлиб, кейин кучайган вақтларида ўз ҳукронлигини Етгисув ва Ўрта Осиёга қадар кенгайтди.

Қорахонийлар давлатининг биринчи танга пуллари Сомонийлар сулоласининг дирҳам пуллари намунаси асосида зарб қилинган бўлса, кейинроқ бориб Қорахонийлар давлати ўз танга пуллариининг илк намунасини шакллантирди.

Бу танга пулларда юз томоннинг марказий қисмига иймон келтириш калимаси ёзилган бўлса, унинг айланасига тангалар зарб қилинган сана ва зарбхоналар номи берилган. Тангаларнинг орқа (терс) томонига эса Бағдод халифаси билан бирга ерли ҳокимнинг номи ёзилган.

XII ва XIII аср бошларида халифа номисиз зарб қилинган дирҳамларнинг сони анча кўпайди. Бундай тангалар асосан марказий Мовароуннаҳрдан ташқаридаги жойларда зарб қилинган тангалар ҳисобига ошган эди.

XIV аср ўрталарига келиб Ўрта Осиёдаги Чигатой давлати жуда кучсизланиб кетган бир пайтда Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир

ҳокимият тепасига келди. Амир Темур ҳокимиятни маълум вақт Чигатой авлодларидан қуғирчоқ хон Суюрғатмиш (1370—1388 йй.), сўнг унинг ўгли Маҳмудхон (1388—1402 йй.)лар номи билан бошқарган эди<sup>1</sup>.

XV аср охирига келиб Амир Темур авлодлари ўртасидаги ўзаро курашлар кучайиб кетган бир пайтда кучманчи ўзбек қабилалари Шайбонийхон (1451—1510 йй.) бошчилигида 1500 йили Самарқандни урушсиз, 1507 йилда эса Хуросондаги темурийлар авлодларининг маркази бўлган Ҳиротни босиб олди. Шундай қилиб, бутун Марказий Осиё Шайбонийхон тасарруфига кирди.

1507 йили Шайбонийхон пул ислоҳоти олиб бориб ўзи эгалаган катта шаҳарларда ўз номи билан кумуш тангаларни зарб қила бошлади. Бу тангаларнинг вазни дастлаб 4,8 грамм бўлса, кейинроқ бориб, 4,4 граммни ташкил қилди. Шунинг билан бирга янги типдаги мис тангаларни ҳам зарб қилиниб, уларнинг орқа (терс) томонида қуш ва турли ҳайвонларни тасвирланган.

Шайбонийлар авлодидан Абдулмўмин (1598 й.) вафот қилгандан сўнг шайбонийлар давлатида бир неча йил ўзаро қиргинбарот урушлари бўлиб ўтди. Шундан сўнг, яъни, 1601 йили Шайбоний амирлари Бухорода яшаётган, келиб чиқиши аштархонли(астраханли) шайбонийлардан бўлган Абдуллахон II нинг (1583—1598 йй.) сингласига уйланган Жонибек Султонни хон қилиб кўтардилар. Шундай қилиб, тарихда жонийлар ёки келиб чиқиш жойи билан Аштархонийлар деб аталган янги бир сулола пайдо бўлди.

Аштархонийлар сулоласи тўла юмалоқ бўлмаган шаклдаги кумуш тангаларни зарб қилган бўлиб, одатда бу пулларнинг ҳамма-

<sup>1</sup> Амир Темур ва темурийлар сулоласининг танга пуллари ҳақида кейинги саҳифаларда батафсил тўхталиб ўтамиз.

си сийқа, фақат танганинг марказий қисмидаги ёзувларгина қисман ўқилиши мумкин, эди.

1747 йили Абулфайзхон ўлдирилгандан сўнг Муҳаммад Раҳим тахтга унинг 9 ёшли ўғли Абдулмўминни ўтказди. Лекин унинг давлатни бошқариш ишларида ҳеч қандай таъсири бўлмади. Мангит уруғидан чиққан Муҳаммад Раҳим 1753 йили Бухоро давлат арбоблари ва руҳонийларнинг розилигини олиб, Амир унвони билан Бухоро тахтига ўтирди.

Шундай қилиб, Бухорода янги мангитлар сулоласи ҳукмронлик қила бошлади. Шоҳмурод ҳукмронлик қилган (1785—1800 йй.) йилларда пул ислоҳоти ўтказилиб, тўла қимматга эга бўлган "ашрафи" ёки "тилло" деб номланган олтин танга, кумуш ва мис пулларни зарб қилди. Бу анъана бутун Бухоро амирлиги ҳукмронлик қилган даврдан бошлаб, Бухорода танга пулларни зарб қилиш тўхтатилган 1904—1905 йилларгача давом этди.

XVIII асрда Фарғона водийсида "минг" сулоласи вакиллари Қўқон хонлигини барпо этдилар, бу хонликка Норбўтабий (1763—1798 йй.) асос солди.

Норбўтабий даврида фақат фулус (мис) пуллар зарб этилган бўлса, Муҳаммад Алихон ҳукмронлик қилган даврларда мис пуллар билан бирга миснинг устига кумуш қоплаган дирҳамларни зарб қилдирди.

Муҳаммад Умархон ҳукмронлигининг охириги даврларида пул ислоҳотини ўтказиб, тилло, кумуш ва мис пулларни зарб эттирди, бу пуллар 1876 йилга қадар, яъни Қўқон хонлигини чор Россияси босиб олганга қадар зарб қилинган эди.

XVIII асрнинг 60-йилларида Хивада ҳокимият бошига ўзбекларнинг кўнгирот уруғидан Иноқ Муҳаммад Амин ўтирди. У 1770 йили туркманлар ва 1782 йили бухороликлар устидан муваффақият қозонди.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I (1806—1825 йй.) Хива хонлигини бирлаштириш учун курашни муваффақият билан якун-

лаб, олий кенгаш ташкил қилди, солиқ ислоҳоти ўтказиб, божхона ва зарбхона қурдирди. У 4,5 граммли тилло, 3,20 ва 2,00 граммли кумуш танга, 2,50 ёки 3,80 граммли фулус мис пулларни зарб қилди. Бу танга пулларнинг юз (олд) томонига Қўқон ва Бухоро тангаларига ўхшаш хонларнинг унвони берилган бўлса, уларнинг орқа (терс) томонига бу тангалар зарб қилинган йил — сана, шаҳар ва унинг сифатлари берилган.

Агар сомонийлар сулоласи даврида 20 та шаҳарда зарбхоналар ишлаб турган бўлса, қорахонийлар даврига келиб уларнинг сони 40 тага етган. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида 50, Шайбонийлар даврида 26 зарбхоналар мавжуд эди. Уч хонлик даврида зарбхоналар асосан пойтахтга: Бухоро, Хива ва Қўқон шаҳарларига марказлаштирилган бўлиб, Тошкентда танга пуллар камдан-кам зарб қилинган.



Ўзбекистонда ҳам 1994 йили миллий валюта муомалага киритилгандан сўнг танга зарб қилиш йўлга қўйилди. Дастлаб 1,3,5,10,20,50 тийинли танга пуллар зарб қилинди. Сўнгра Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги ва Мустақилликнинг 3 йиллиги муносабати билан юбилей танга пуллари ҳам муомалага чиқарилди.

1996 йили эса Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб 10, 100 сўмлик тилло суви юритилган ва кумуш танга пуллар зарб қилинди.

1997 йили яна Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб 999,9 пробали соф тиллодан 100 сўмлик танга пул зарб этилди.

1997 йили 1 августда мавжуд миллий валютага қўшимча қилиб 1,5,10 сўмлик танга пулларни ва 1999 йилнинг 20 октябрдан бошлаб Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейига

бағишланган, қиймати 25 сўм бўлган эсдалик тангаларни Тошкент зарбхонаси муомалага чиқарди.

Бундан ташқари, 1999 йили буюк сиймолар сериясида қиймати 100 сўм бўлган диаметри 38 мм, оғирлиги 31,1 гр, 999,9 проба-ли кумушдан тайёрланган бир қатор тангалар зарб қилинди. Бу тангаларнинг юз томонида: Мусо Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Ал-Фарғоний, Мирзо Улугбекларнинг сиймолари қабарик барельеф ҳолда тасвирланган. Тангалар чекланган миқдорда зарб қилинган бўлиб (тиражи 1000 донадан), нумизматик қийматга эгадир.







## АМИР ТЕМУРНИНГ ҲОКИМИЯТГА КЕЛИШИ ВА У ЮРИТГАН МОЛИЯ-ПУЛ СИЁСАТИ, ЗАРЪ ҚИЛГАН ТАНГАЛАРИ

**А**мир Темур бин Тарағай 736 ҳижрий йили (милодий 1336 йил 9 апрелда) Шахрисабз шаҳрига яқин Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. Ҳозир бу қишлоқ Яккабоғ туманига қарашлидир. Отаси Тарағай Барлос уруғининг нуфузли бекларидан бўлганлиги учун ҳам ҳар йили бир марта Или дарёси бўйидаги Олмалик шаҳрига хон томондан чақириладиган қурултойга таклиф қилинар эди. У художўй киши сифатида шайхлар билан яқин муносабатда бўлар, айниқса пири Шайх Шамсуддин Кулолга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўргизарди. Кейинчалик Шайх Шамсиддин Кулол Амир Темурнинг ҳам пири бўлди. Тарағай 1360 йили вафот этган ва Кеш шаҳрига дафн этилган. Амир Темурнинг онаси Тегина Хотун муштипар аёллардан эди.

1362 йилнинг кузида Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрни ўғли Илёсхўжага қолдириб ўз қароргоҳи Мўғулистон (Шарқий Туркистон)га қайтиб кетаётиб, ўғлига ёрдамлашиш учун Амир Темурни лашкарбоши қилиб қолдиради. Лекин Амир Темур Илёсхўжа билан чиқиша олмай Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Унинг сабабини Амир Темур: "Илёсхўжа бўлса давлат ва сиёсат ишларида лаёқатсиз бўлгани туфайли у турли зулму

ситамага барҳам беришга ожиз эди. Мен бўлсам ўз салобатим ва хайбатим билан ... мазлумларни золимлар жабридан халос қилдим. Бу Илёсхўжа ва унинг амирларининг менга нисбатан душманлик қилишларига сабаб бўлди. (Шундан кейин) барлос улусининг баҳодир йигитларини ўз атрофимга тўплаб, уларни бирлаштирдим"<sup>1</sup> — деб ёзади.

Ана шундай бир пайтда 1363 йили Туглуқ Темурхон тўсатдан вафот этади. Илёсхўжа шошилиб Самарқандни ташлаб, хонлик тахтига ўтириш учун Олмаликқа жўнаб кетади. Илёсхўжа Самарқанддан кетиши биланоқ Амир Темур Балх қалъасини эгаллаб олган ўз қайноғаси Ҳусайн (Амир Қозоғоннинг набираси) билан ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилишга келишиб олди. 1362 йилда Сеистонда бўлган жангларда Амир Темур ўнг кўли ва ўнг оёғидан оғир яраланади. Илёсхўжа 1365 йили майда Мовароуннаҳрни қайтадан ўзига бўйсиндириш учун Тошкентга юриш бошлади. Амир Темур ва Ҳусайн бошчилигидаги лашкар Илёсхўжа қўшинлари билан Чиноз ва Тошкент оралигидаги бир майдонда тўқнашди. Жанг пайтида кучли жала қуяди, ҳамма от ва жангчилар ботқоққа ботиб кетадилар, шунинг учун бу жанг тарихда "Жанги лой" деб аталади.

Бу жангда Темур қўшини тижоат кўрсатиб урушни давом эттираётган бир пайтда, Ҳусайн қанотининг қатъиятсизлик қилиши оқибатида жанг бой берилиб, Сирдарё ортига чекинишга мажбур бўдилар.

Шундан сўнг Амир Темур Қаршига чекинди, Амир Ҳусайн ўз қўшинлари билан дастлаб Самарқандга, кейин эса жанубга Амударёдан ўтиб Балх қалъасига келиб тўхтади. Илёсхўжа қўшинлари учун энди Самарқандга йўл очиқ эди, лекин унинг қўшинлари Самарқандга киролмайди. Чунки бу ерда мўғулларга қарши халқ қўзғалиб шаҳарни мудофаа қилишга қатъий киришган, улар-

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т., «Шарқ». 2005 й. 20-бет.

га Самарқанддаги сарбадорлар ҳаракати раҳбарларидан толиби илм Мавлонозода, шаҳар гузарларидан бирининг оқсоқоли (калавачи) Абубакр Калавий ҳамда камонмерган Хўрдак Бухорий бошчилик қилар эди. Улар бутун Самарқанд халқини ҳаракатга келтириб, "Мўғуллар зулмини йўқ қиламиз ёки бу йўлда ўзимизни қурбон қилиб дорга осилишга розимиз" — деб ўзларини "сарбадорлар", яъни боши дорга тикилганлар, деб атадилар.

Илёсхўжа кўшини жанглар давомида ниҳоятда кўп талофат кўради, унинг устига Илёсхўжанинг отлари орасида ўлат тарқалиб қирилиб кетади<sup>1</sup>. Ана шундай шароитда у ўз кўшинлари билан Самарқандни ташлаб чекинишга мажбур бўлади.

Илёсхўжа Мўғулистон (Шарқий Туркистон)га қайтиб бориб, янги суворий лашкар тузмоқчи эди, бироқ Шарқий Туркистонга етар-етмас уни дуглатлар бошлиғи Амир Қамариддин ўлдирди ва тахтини эгаллади.

Сарбадорларнинг галабаси ҳақидаги хабар Амир Темурга етиб боргандан сўнг Амир Темур дарҳол Ҳусайнга бу ҳақда хабар берди. Улар келаси йили баҳорда, яъни 1366 йили Мовароуннаҳрга юриш қилишга келишиб оддилар ва унгача куч тўплаб барча тайёргарлик ишларини амалга оширишга киришдилар.

Сарбадорлар қўзғолонидан ўз мақсадлари учун фойдаланиш ни режа қилиб қўйган Ҳусайн ва Амир Темур Самарқанд атрофига келиб, уларнинг раҳбарлари билан учрашиш орзусида эканлигини билдирдилар. Уларга ва уларнинг берган ваъдасига ишонган сарбадорлар раҳбарлари Конигилдаги қароргоҳга келганларида, амирлар аввалда уларга иззат-икром кўрсатишди, аммо эртаси куни Ҳусайн Амир Темурга билдирмай сарбадорларнинг раҳбарларини тўсатдан жазога ҳукм этади. Шунини айтиш керакки, бу ерда сарбадорлар икки амир орасидаги пинҳона рақобат қурбони бўлиб кетгандай кўринадилар. Абубакр

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., «Ўзбекистон», 1996 й. 69-бет.

Калавий ва Хурдак Бухорийларни дорга осадилар. Амир Темур Мавлонозодани дорнинг тагидан сақлаб қолишга улгуради.

Сарбадорлар ҳаракатидан фойдаланиб Самарқандни қўлга киритган амирлар ўртасида кўп ўтмай ўзаро низо, пинҳона рақобат пайдо бўлди. Бунда Амир Ҳусайннинг очкўзлиги ва ҳокимиятни мустақил эгаллаш учун олиб борган турли ҳийла-найранглари сабаб бўлди. Бу эса Амир Темур билан Ҳусайн ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига олиб келди ва улар ўртасидаги дўстлик ва қариндошлик муносабатлари<sup>1</sup> ҳам узилгач, фақат душманлик қолган эди.

Муаррих Низомиддин Шомий ўзининг "Зафарнома" асарида: "Амир Ҳусайннинг одамларга нисбатан нияти бузилиб, уларнинг молига тамаъ этиб, шаъну номусига тегадиган ҳақоратлар қилгач, халқнинг ундан кўнгли совиди. Давлат ва мамлакат аҳли ундан юз ўгирди ... қайси бир подшоҳ ўз раияти ва аркон давлати молига тамаъ қилса, у девор устида туриб, ўзи турган деворнинг остини ковлаб бўшатган кишига ўхшайди. Агар девор қулаеса, у кишининг ҳалок бўлиши хавфи бордир"<sup>2</sup> — деб ёзади.

Шундан сўнг Амир Ҳусайн ўз қўшинлари билан Самарқанддан кетиб Балхни марказ қилиб, 1367 йили бошларидан 1370 йил баҳоригача бўлган вақт ичида, Амир Темур қўшинларига қарши бир неча бор натижасиз урушлар олиб борди. Бу икки амир ўртасидаги асосий тўқнашув 1370 йил апрелда Балх яқинида юз берди ва жангда мағлуб бўлган Ҳусайнни Амир Темур олдига қўллари боғланган ҳолда келтиришди.

Амир Темур Ҳусайннинг қонидан кечади, бироқ унинг маккорлигини яхши билган беклар бунга рози бўлишмади. Чунки агар Ҳусайн ҳозир қутулиб қолса, яна аскар тўплаб фитна уюштириши турган гап эди. Хутгалон ҳокими Кайхусрав Ҳусайн

<sup>1</sup> 1366 йили Амир Темурнинг хотини Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон оқа вафот этган эди.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., «Ўзбекистон». 1996 й. 79-бет.

томонидан 1360 йили ўддирилган укасининг хунини талаб қилганидан кейин уни қатл этдилар.

Бу ҳақда Амир Темур ўз "Тузуқлар"ида: "Яна ўз тажрибамдан кўрдимки ақлли душман, жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ экан. Чунончи, Амир Қозогоннинг набираси Амир Ҳусайн нодон дўстлардан эди, унинг дўстлик юзасидан қилган ишларини ҳеч бир душман қилмайди. Амир Худойдод менга шундай дейди: "Душманингни лаълу жавоҳирдек сақлагил, қачонки бирон тошлоқ ерга келиб қолсанг уни олиб тошга шундай ургинки толқони чиқиб, ундан нишон ҳам қолмасин" ... Агар душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрса-ю, яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг (ҳукмига) топшир. Чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимамайди, агар ранжиса ҳам узрини қабул қилади"<sup>1</sup>.

1370 йил баҳорида, 9 апрель куни Чигатой улусининг барча беклари Балх шаҳрига тўпланишиб қурултой очдилар, унда Амир Темурни Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори деб эълон қилдилар. Амир Темур Ҳусайннинг ҳарамидаги аёллардан бири Чигатой авлодидан Қозонхоннинг қизи Сароймулкхонимни ўз никоҳига қабул қилгандан сўнг ўз номига "кўрагон" (мўгулча — куёв) деган фахрли лақаб қўшиб атай бошлади. Чунки ўша даврда Чингизхон авлодига бевосита боғлиқ бўлмаган, лекин ҳокимиятга даъвогарлик қилган ҳар қандай амир хонлар қизига уйланишга интилган.

Амир Темурнинг Турон юртида мўгул шаҳзодалари ва нуёнлари устидан галаба қозониб, уни бир бутун давлатга бирлаштиришда кўрсатган жасоратини франциялик фан ва жамоат арбоби, темуршунос олим Люсьен Керэн: "Амир Темур руҳининг танасидан устун келганлиги, иродасини бу қадар юксакларга кўтара билганлиги, унинг қозонган галабаларининг энг каттаси бўлса ажаб эмас"<sup>2</sup> — деб ёзади.

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Т., «Шарқ». 2005 й. 110-бет.

<sup>2</sup> Люсьен Керэн. Амир Темур салтанати. Т., «Маънавият». 1999 й. 43-бет.

Амир Темур жасоратининг яна бир манбаи ҳақида рус тарихшунос олими М.Иванин ўзининг: "Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур" деб номланган китобида, ерли халқ томонидан оғиздан-оғизга ўтиб келаётган бир ривоятни келтиради: "Амир Темур тақдирнинг оғир синовларини ўз бошидан кечириб Хоразм чўлларида ва Хуросонда беркиниб юрган кунларининг бирида, у бута соясида дам олиб ўтирганда, каттагина қумурсқанинг бир шохнинг учига чиқиш учун ҳаракат қилаётганига, лекин шамол эсиб шох тебраниши натижасида ерга қулаб тушишига эътибор беради. У иккинчи марта юқорига кутарила бошлайди ва яна қулаб тушади. Қумурсқанинг шох тепасига чиқиш учун ҳаракат қилиши ва қулаб тушиши бир қанча маротаба такрорлангандан сўнг, у ниҳоят шохнинг учига чиқиб олиб, озуқа топишга эришади. Буни кузатиб турган Амир Темур: "Мана шу миттигина қумурсқа чидамлик ва тиришқоқликда бизга ўрнак бўлиши керак, тақдирнинг бевафоликларига қарамай, биз умидсизликка тушмасак, пухта ўйлаган, аниқ мақсад сари чидам билан тўхтовсиз ҳаракат қилсак, унга эришишимиз муқаррар"<sup>1</sup> — деган экан.

Амир Темур Турон юртига яккаю ягона ҳукмрон бўлганидан сўнг бу ҳудуддаги халқлар узоқ даврлардан буён орзу қилган тинчлик, барқарорлик ва осойишталик вужудга келди.

Амир Темур ҳокимият тепасига келиши биланоқ Самарқандни ўзига пойтахт қилиб белгилади, унинг шаҳар девори қалъаси, сарой ва қасрларини бунёд эттириб, хароб бўлган биноларни тиклашга киришди.

Амир Темур ҳокимият бошига келган даврда нафақат Турон, балки кўшни мамлакатларда ҳам феодал тарқоқлик, парокандалик ва ўзаро урушлар авжига минган, айрим ҳарбий-сиёсий гуруҳлар ўзларига яқин кўшнилари ерларинигина эмас, балки Турон устига ҳам қилган талон-торожлик хуружлари кучайган

<sup>1</sup> М.Иванин. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. Т., «Фан», 1994 й. 121-бет.

эди. Мўғулистон (Уйғуристон)даги Чигатой авлодларидан Илёс-хўжахон ўлдирилгандан (1369 й.) сўнг бу мамлакатда ҳам феодал тарқоқлик ва ўзаро урушлар кучайиб кетди. Ҳокимият тепасига келган Қамариддин ва бошқа беклар Амир Темур салтанатининг дастлабки йилларида Тошкентни босиб олдилар. XIV асрнинг 80-йилларида улар Андижон устига бостириб келдилар ва унинг теварак-атрофидаги ерларни талон-тороғ қилдилар.

Шунинг учун ҳам Амир Темур ўз давлат сарҳадларини мустақкамлаш учун энг олдин ҳарбий юришларни Мўғулистон (Уйғуристон)дан бошлади.

Амир Темур 1371—1390 йиллари Мўғулистон (Уйғуристон)га етти марта ҳарбий юриш уюштирди ва энг охириги ҳарбий юришларида Қамариддин ва унинг амирларини Иртиш дарёсининг нариги тарафига суриб ташлади ва Қамариддин ўша жойларда вафот этди. Қамариддиндан (1360—1390 йй.) сўнг хонлик тахтига ўтирган Хизирхўжахон ўз қизи Тукал хонимни Амир Темурга никоҳлаб берди<sup>1</sup> ва шу орқали ўзининг Амир Темурга тобелигини билдирди.

Амир Темур Мовароуннаҳрнинг ғарбидаги Хоразм хоразмшоҳларидан Ҳусайн, Юсуф ва Сулаймон Сўфийларга қарши 1370—1390 йиллари беш марта ҳарбий юриш олиб бориб, Хоразмни ўз мамлакати тасарруфига киритди, сўнг ўзининг асосий кучини жанубдаги Форсу Ироқ давлатларига қаратди. Бу ҳақда Шарафиддин Али Йаздий : "Ул маҳалда Эрон вилоятларида ҳар мамлакатда бир жамоат бош чиқариб, подшолик қилур эрдилар. Ҳазрат Соҳибқирон Турон мамлакатини мусаххар қилгонидан сўнг, Чигатой улуси ва Жўжи улусини ўз гумашталарининг тасарруфи остига олгандан сўнг муборак хотирига тушдиким, Эрон вилоятини забт қилгай, Эрон сари мутаважжих бўлди"<sup>2</sup> — деб ёзади.

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., «Ўзбекистон». 1996 й. 223-бет.

<sup>2</sup> Шарафуддин Али Йаздий. Т., «Шарқ». 1997 й. 88-бет.

"Амир Темур, ожиз кишилару раиятларни, савдогар, деҳқонларни муҳофаза этишда қонунларга риоя қилиб, адолат расмини бажо келтирди. Асрлар мобайнида ҳали бирор талабгорнинг ақду никоҳига кирмаган икки бўйи етган гузалдек бўлмиш Эрону Турон мамлакатларини (Амир соҳибқирон) тўла забт этиш ва адолатли сиёсат юригиш орқали шундай бошқармоқдаки, у ерларнинг донишмандлари ҳайрон қолмоқда. Унинг адолатию сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннахрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хитой ва Хўтан чегарасидан Деҳли атрофларигача, Бобуддан то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-кумуш ва энг зариф тижорат молларини келтирадилар ва олиб кетадилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир дониға ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамиға ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандир"<sup>1</sup>.

Демак, Амир Темурнинг Хуросон ва Эронга юришларидан асосий мақсад жаҳонгирлик даъво қилиб, дунёни эгаллаш эмас, балки майда хонликларга бўлинган, доимий уруш-жанжал азобида қолган халқларни ўз ҳимоясига олиш, у ерда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш бўлган эди.

Амир Темур жаҳондаги 27 мамлакатни босқичма-босқич ўз давлати таркибига киритиб, ягона давлат сифатида бирлаштирди ва уларнинг иқтисодиёти ва молия тизимини такомиллаштирди. Давлатнинг бошида бош ҳукмдор — Амир Темур турган бўлса, ундан кейинги иккинчи бўлиб молия девони турар эди. Бу девонни битта девонбеги ва унинг котибияти бошқарарди.

Молия девонининг асосий вазифалари — давлат солиқ ишларини юритиш, қишлоқ хўжалик ишларини бошқариш, давлат хазинасига турли даромад тушумларини келтириш, тангалар

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., «Ўзбекистон». 1996 й. 20-бет.



зарб қилиш ва солиқлар билан боғлиқ қонунбузарлик ҳамда бошқа иқтисодий муаммолар билан шугулланар эди.

Ҳар бир шаҳар, вилоят ва ўлка шу шаҳар ва ёки вилоят ҳокими — доруғаси томонидан бошқарилган, улар маъмурий, ҳуқуқий, маҳкама ишларидан ташқари, зарур топилганда аскар ва солиқларни йиғишга ҳам юборилар эди. Доруғаларни тайинлаш ва вазифасидан олиш ишларини молия девони ҳал қилар эди.

Давлат хазинаси Самарқанддаги Кўксарой ва Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъасида сақланарди. Бироқ, бу хазинанинг шакли ва миқдори тўғрисида, шунингдек, давлатнинг йиллик умумий даромади ва унинг кирим-чиқимлари ҳақида аниқ бир маълумотларга эга эмасмиз, лекин давлат даромадлари билан унинг чиқимлари ҳар йили белгиланган бўлиб, булар давлат томонидан қатъий назорат остида бўлганлиги бизга турли манбалардан маълумдир.

Амир Темур бу ўлкаларни иқтисодий томондан идора қилиш усуллари ҳақида ўйлар экан, уларнинг ҳар бирида йилига қанча ялли даромад вужудга келиши, у қандай усуллар билан тақсимланиши, давлат ихтиёрига тўланадиган тўловлар ва бошқа масалалар тўғрисида фикр юргизар, уларни шариат қонунларида кўрсатилган тавсиялар, аввал утган подшолар тажрибаси билан солиштирар ва маълум хулосаларга келар эди.

Амир Темур ўз "Тузуқлар"ида ҳар қандай давлат учун иқтисодиёт устуворлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб: "... Давлату салтанат уч нарса билан: мулк, (подшо) хазина ва лашкар билан тикдир"<sup>1</sup>, деб таъкидлайди. Камолотга эришган вазир улким, давлат муомалаларини тартибга келтириб, мулкий ва молиявий ишларни тўғрилиқ билан, асли-насли тозаллигини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради<sup>2</sup>. Яна "Тузуқлар"да: "Қайси вазир софлик, тўғрилиқ билан вазирлик ишига киришиб, дав-

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Т., «Шарқ». 2005 й. 91-бет.

<sup>2</sup> Темур тузуқлари, Т., «Шарқ». 2005 й. 90-бет.

латнинг молия-мулк ишларини диёнат, савоб билан, нафси бузқлик қилмай, омонатга хиёнат этмай бажарар экан, ундай вазирни энг олий мартабаларга етказсинлар, қайси вазир бузқлик қилиб, ёмонлик йўли билан мамлакат ишларини юргизар экан, кўп ўтмай салтанатдан хайру баракат кўтарилади"<sup>1</sup> — деб ёзади.

Амир Темур давлатнинг мустақил молия сиёсатини такомиллаштириш учун ўз давлати таркибига кирган барча мамлакатлар молиясини бир тизимга бирлаштирди ва уларни маъмурий бошқариш талаблари асосида идора қилиш усулларини жорий этди.

Агар Европада биринчи бюджет тузилиши Англия ва Францияда XVII асрда пайдо бўлган бўлса, Амир Темур ўз давлатида ундан 3 аср аввал мамлакатни идора этишда бюджетнинг дастлабки куртакларини ишлаб чиқди ва жорий қилди.

Ўзбек давлатчилигининг Амир Темургача бўлган тарихида қадим замонлардан бери хазинани идора қилишда салжуқийлар сулоласининг машҳур вазири Низомулмулкнинг "Сиёсатнома"сида тушунтириб берилган тартибот сақланар эди.

Ҳозирги замон тили билан айтганда, давлат ихтиёридаги хазина икки фонддан таркиб топган. Биринчиси — асосий хазина бўлиб, бунда узоқ йиллар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган дурдоналар сақланар эди. Иккинчи фонд жорий харajatлар учун мўлжалланган, бунинг учун маблағ етишмаганда биринчи фонддан "қарз" олинар эди. Йиллар давомида хазинанинг аҳволи ўзгариб турган, баъзан тақчиллик сезилиб, уни тўлдириш учун қўшимча солиқ ва йигимлар чиқарилган<sup>2</sup>.

Амир Темур "Тузуқлар"да шундай қайд этади: "Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Т., «Шарқ». 2005 й. 91-бет.

<sup>2</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. Т., «Шарқ». 1996 й. 88-бет.

камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб боради"<sup>1</sup>.

Шубҳасизки, бу даврдаги асосий миллий даромад қишлоқ хўжалигидан келар эди. "Яна буйруқ бердимки, — деб ёзади у "Тузуклар"да, — ҳар мамлакат фатҳ этилса ёки жанг даҳшатларисиз амну омонлик тиласа, унинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олсинлар. Агар ерлик фуқаро азаддан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда (хирожни) тузукка мувофиқ йиғсинлар. Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар... Агар раият рўйхатга олинган ерлардан бериладиган солиқни нақд ақча билан тўлашга рози бўлса, нақд ақча миқдорини саркорнинг (салтанат хазинаси) ҳиссаси ҳисобланган галанинг мазкур даврдаги нархига мувофиқ белгиласинлар"<sup>2</sup> — деб ёзади.

Амир Темурнинг ўзи тузган салтанатда юритган иқтисодий сиёсати, айниқса, пул-молия тизимини ривожлантириши мамлакатнинг иқтисодий юксалишига кучли таъсир қилар эди. Шунинг учун бу давлат ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётига, ички бозор ҳамда ташқи дунё билан савдо-сотиқнинг ўсишига ҳам кучли таъсир кўрсатган энг асосий омиллардан бирига айланганди.

Пулнинг жамият иқтисодида ўйнаган роли кундан-кунга кучайиб борганлиги учун ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан олинадиган солиқни нақд ақча билан олишга имкон берган.

Бу даврда, асосан, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган икки турдаги — хирож ва ушр солиғидан бошқа, савдогарлар ва ҳунармандлар закот тўлаганлар, чегарадан ўтган моллар ҳисобидан

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т., «Шарқ». 2005 й. 120-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда. 120-121-бетлар.

бож олинган. Буларнинг ҳаммаси давлат хазинасининг асосий манбаи ҳисобланган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган солиқлардан бошқа солиқсиз даромадлар ҳам бор эди. Масалан: олтин ва кумушга ўхшаш нодир металлارни қазиб олиш ва уларни сотиш, тангалар зарб қилиш, бедарак йўқолган шахслардан қолган, вориссиз мол-мулклар, турли жарималар, совғалар ҳам давлат хазинасига келиб тушар эди.

Амир Темур ўзидан илгари бўлган турли солиқлар сари шўмор<sup>1</sup> ва хона шўмордан<sup>2</sup> халқни озод қилган.

Амир Темур ўз "Тузуқлар"ида: "Салтанат ишларини юритувчи вазир... У бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган тамом харажатлар, (ҳатто) отхона ва (саройдаги) бошқа жонзотларга қилинган харажатларгача огоҳ бўлиши лозим. ...Салтанатнинг ҳар бир идорасида кирим-чиқимларни, кундалик харажатларни ёзиб бориш учун бир котиб тайинлансин"<sup>3</sup> — деб ёзади.

Амир Темур даврига келиб, бюджетда нафақат тушумлар ва чиқимлар қайд этилибгина қолмай, балки кейинги молия йили учун мўлжалланган чиқимлару киримлар миқдорлари ҳам режалаштирилган.

Давлатнинг марказий ва маҳаллий бўғинларидаги харажатларни асосан, маъмурий идора ва саройнинг умумий сарфлари, ҳарбий ва ҳарбий юришларга сарф қилинадиган харажатлар, мамлакат ободончилиги ва юрт фаровонлигини оширишга қаратилган харажатлар, илм-фан, маданий ва диний тадбирлар билан боғлиқ харажатлар, ижтимоий ҳимоя харажатлари ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларга ажратиш мумкин эди.

Давлат бюджетидаги ходимларга ойлик маош беришда пул ва яъни моддий (натура) нормаларида тўлаш тизими қўлланилган.

<sup>1</sup> Сари шўмор — жон бошидан олинадиган солиқ.

<sup>2</sup> Хона шўмор — ҳар бир хонадондан олинадиган солиқ.

<sup>3</sup> Темур тузуқлари. Т., «Шарқ», 2005 й. 103—105-бетлар.

"Амр қилдимки, — дейилади "Тузуқлар"да — амирлар амирининг маоши ўз қўл остидагилардан ўн баробар ортиқ бўлсин. Шунга ўхшаш девонбеги ва вазирларнинг маошлари эса амирларникидан ўн баробар кўп бўлсин..."<sup>1</sup>. "...Оддий сипоҳий... маоши минган отининг баҳоси бўлсин. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача тайин қилинсин..."<sup>2</sup>.

Давлат бюджетдаги ходимларга моддий (натура — от ва ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлган бугдой билан) шаклда маош тўланганда, бозор баҳосининг ўсиб кетиши ёки пул қадр-қимматининг тушиб кетишидан қатъи назар, бюджет ходимларининг турмушига ҳеч қандай таъсир қилмайди. Бу Амир Темурнинг буюк давлат арбоби бўлибгина қолмай, балки буюк ислохотчи, иқтисодчи эканлигини кўрсатадиган муҳим далилдир.

Лекин Амир Темур олиб борган пул-молия сиёсатининг моҳиятига тушуниб етмаган рус тарихчиси М.Иванин унинг натура билан тўлаш иқтисодий сиёсатини хато талқин қилиб: "Пул муносабатлари билан яхши таниш бўлмаган кўчманчи халқлар буюмлар қийматини одатда от, қўй, туя ва бошқа нарсаларнинг баҳоси билан ўлчайдилар. Шу туфайли Амир Темур жангчи маошини шу жангчига тегишли отнинг нархига тенг қилиб белгиларди"<sup>3</sup> — деб ёзади.

Амир Темур давлатида шаклланаётган бюджет куртақларидан бири марказий девонда ва улусларда, туманларда молия назорати ўрнатилиб, давлат мол-мулкини ўғирлаб унга хиёнат қилувчиларга нисбатан жазо чоралари белгиланганидир. Агар бирор амалдорнинг давлат мол-мулкини ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғи навбатдаги маошидан ушлаб қолинган, уч баробар кўп бўлса, ҳаммаси салтанат хазинасига тортиқ сифатида олинган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Т., «Шарқ». 2005 й. 84-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 83-бет.

<sup>3</sup> М.Иванин. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. Т., «Фан». 1994 й. 133-бет.

<sup>4</sup> Темур тузуқлари. Т., «Шарқ», 2005 й. 88-бет

Амир Темур салтанатидаги харажатларнинг таркибий қисмларидан бири ижтимоий ҳимоя харажатлари эди. "Тузуқлар"да мамлакатдаги фақир мискин, бирор касб билан шуғулланишга ожиз, шол, кўрларга давлат ҳисобидан нафақа бериш қайта-қайта таъкидланади<sup>1</sup>.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, "Амир Темур даврида халқ манфаатларини кўзлаб, бозор, нарх-навони махсус текширувчилар бўлиб, улар вазнлар (тош-тарози), нарху наволар тўғрисида унга (Темурга) зикр қилиб, манзили шаҳарларни тавсифлардилар"<sup>2</sup>.

Давлат иқтисодини ривожлантиришда тадбиркор ва ишбилармон кишиларнинг ролига алоҳида баҳо берган Амир Темур ўз "Тузуқлар"ида: "Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши, мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб кишига иш буюради"<sup>3</sup>, деб уқтириб ўтганди.

Амир Темур даврида гарчи хабар ва почта вазирлиги расман тилга олинмаса-да, аммо бу жараён билан шуғулланадиган хизмат мазмунан ўзининг энг юксак даражасига кўтарилган эди. Зеро, улкан салтанатни мувофиқ равишда бошқариб боришда унинг турли бурчакларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлиш, марказдан буйруқ, фармон, кўрсатмалар жўнатиш ва марказга турли ҳужжат, ҳисоботларни етказиш, ташқи сиёсий, иқтисодий дипломатик муносабатларни пухта ва тезкор равишда йўлга қўйиш учун хабар ва почта хизмати аҳамиятини аввал бошданок яхши тушунган Амир Темур ўзининг дастлабки фармонларидан бирида уни йўлга қўйиш ҳақида кўрсатма берган.

Ўша замон гувоҳларидан бири Испания элчиси Клавихонинг ёзишича, бутун салтанат узра бир кунлик йўл оралигидаги ҳар

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Т., «Шарқ». 2005 й. 100-бет.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, 2-китоб, Т., «Меҳнат». 1992 й. 71-бет.

<sup>3</sup> Темур тузуқлари. Т., «Шарқ». 2005 й. 13-бет.

бир масканда тўхташ жойлари — карвонсарой, меҳмонхоналар бино этилган бўлиб, уларда 10 тадан 200 тагача от-улов сақланган, махсус хизматчилар мулозимат кўрсатганлар. Бу юмушларнинг бари давлат хазинасидан таъминланган.

Бу ҳақда: "Амир Темур шундай кучли ҳамда ўзаро боғлиқ фуқаровий ва ҳарбий бир маъмурият туздиким, у ҳукмдор узоқ муддатли сафарга кетганида ҳам самарали фаолият кўрсата бошлади. Бир гуруҳ адиблардан иборат котибият унинг кўрсатмаларига мунтазир турар, барча воқеаларни рўйхатга олар, вилоятлар ва чет эллар билан ёзишмаларга жавоб берар ва мавжуд маълумотлар асосида янгиланиб борадиган ҳужжатлар маркази ишини юритишарди. Улуғ Амир нарх-наво ва айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари нархини текшириб борар ҳамда ҳунармандлар уюшмаларининг унумли ишлашига ҳомийлик қиларди. У йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бутун Мовароуннаҳрда юк ташиш ва почта хизматини яхши йўлга қўйди"<sup>1</sup> — деб ёзади франциялик темуршунос олим Люсьен Керэн.

XVIII асрнинг охири, аниқроқ қилиб айтганда 1776 йилда Овруполик сиёсий иқтисодчи Адам Смит ва ундан кейин Дэвид Рикардолар ўз асарларида давлатнинг бойлиги унинг хазинасида сақланаётган олтин, кумуш билан эмас, балки шу давлатда яшаётган халқларнинг ўзлари ишлаб чиқарган меҳнат маҳсулотларини чет элларга эркин чиқариб савдо-сотик қилиши билан белгиланади деб ёзганди ва бу фикр Овруподаги капитал дунёсида катта шов-шувга сабаб бўлган эди.

Ҳолбуки, Оврупо сиёсий иқтисодчиларидан 4 аср муқаддам савдо-сотик ишларининг давлат учун жуда катта даромад манбаи эканлигини яхши билган Амир Темур давлат ичкариси ва ташқарисидаги савдо ишига кенг йўл очиб берган ва савдогарларни молиявий қўллаб-қувватлаган. Самарқанд тўқимачилик

<sup>1</sup> Люсьен Керэн. Амир Темур салтанати. Т., «Маънавият». 1999 й. 37-бет.

ва бошқа хунармандчилик турлари ривожланган халқаро савдо-сотиқ маркази ҳисобланар эди. Клавихонинг ёзишига кўра, ҳатто Искандария бозорларида ҳам бу ердаги нарсаларни топиб бўлмасди. Дашти Қипчоқ ва мўғул юртлиридан тери, Чиндан ипак, Хўтандан олмос, ёқут каби қимматли тошлар келтирилди. Клавихо ўз хотираларида "(Амир) Темур Самарқандни дунёнинг энг мукамал шаҳрига айлантириш учун ҳар доим савдо-сотиқни кучайтирди" — деб ёзади.

"Ҳозирда ҳамманинг оғзида бўлган чек тизими дастлаб ўша узок замонлардаёқ жорий қилинган эди. Чек (чак) тушунчаси аслида европаликларга биз орқали кириб борган бўлиб, савдогарлар йирик савдо тадбирларини амалга ошираётганларида ёнларида катта маблағни олиб юрмасдан, ҳар бир шаҳарда мавжуд ишончли саррофлар (пул майдалаб берувчилар, алмаштирувчилар)га нақд пул топшириб, шу ҳақда ҳужжат, яъни чек олганлар. Мўлжалдаги шаҳарларга бориб худди шундай саррофларга ёки йирик савдогарларга чекни кўрсатиб, ўз режаларини амалга оширганлар. Шуниси диққатни тортадики, Маҳмуд Қошғарий лугатида чек аслида ип-газлама турлиридан биридир, деб ёзилган. Маҳмуд Қошғарий келтирган чек газлама тури билан савдо муомаласида ишлатилган чек ўртасидаги боғлиқликка шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Зеро, бундан минг йил бурун ёзув объекти ўрнида қоғоз билан бир қаторда газлама парчаларидан фойдаланилган" — деб ёзади Азамат Зиё ўзининг "Ўзбек давлатчилиги тарихи" асарида.

Демак, савдогар ва тадбиркорлар бир шаҳардан иккинчи шаҳарга оғирдан-оғир тилла, кумуш танга пулларни кўтариб юрмай ўзаро "чек" билан ҳисоб-китоб қилишган бўлиб, бу ҳам уларнинг ишини енгиллатиш учун қилинган қулай чора-тадбирлардан бири эди.

Амир Темур халқаро савдо, иқтисодий алоқалар давлат молия иқтисодини ва халқларнинг турмуш даражасини кўтаришдаги



муҳим восита деб билганлиги учун ҳам ички ва ташқи савдоларнинг кенгайишига алоҳида эътибор бериб, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда усти ёпиқ махсус савдо бозорлари — Чорсу, ток, тим, карвонсаройлар қурдирди, Шарқ ва Ғарбнинг сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларини тагин ҳам кучайтирди. "Тузуқлар"-да: "Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин, Хитойгами, Хутан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистонгами, у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтирсинлар. Ўша мамлакатларда истиқомат қилувчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар"<sup>1</sup>, — деб ёзилиши бунинг исботидир.

"Яна шундай амр қилдим, сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин"<sup>2</sup> — деб таъкидлайди Амир Темур.

Амир Темур даврида Мовароуннаҳрдаги тинчлик ва барқарорлик бу жойдаги шаҳарларнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди, яъни шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги савдо алоқалари тараққиёти учун имкон яратди, ички ва ташқи бозор эҳтиёжи учун ишловчи касб-ҳунарлар ҳам ривожланди.

Амир Темурнинг пул-молия сиёсатида қўлланган чора-тадбирлардан энг муҳими, албатта, Соҳибқирон томонидан барча ҳудудларда ўз номига "хутба" ўқитиб, ягона пул муомаласини йўлга қўйганидир. Шунинг билан бирга, бу бутун салтанатнинг сиёсий, иқтисодий жиҳатдан бир бутун яхлит давлат эканлигини кўрсатувчи рамзи, белгиси ҳамдир.

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Т., «Шарқ». 2005 й. 79-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 80-бет.

Амир Темур даврида зарб қилинган барча танга пуллар энг асосий тўлов воситаси сифатида давлатнинг ички ва ташқи савдо алоқаларида қўлланадиган ягона пул бирлиги (валюта) бўлганлиги учун ҳам бу пуллар Амир Темур давлатининг халқаро сиёсий ва иқтисодий қудратини оширишга ва мустақамлашга хизмат қилган.

Амур Темур (1370-1405 йй. ҳукмронлик қилган даврларда) давлатининг танга пулларига талаб ва эҳтиёж кучли бўлганлиги учун ҳам бу пуллар нафақат Мовароуннаҳрдаги марказий шаҳарларда, балки Хуросон, Эрон, Ироқ ва Озарбойжон ҳудудларида, чунончи, Астробод, Астора (Ашпара), Баку, Басра, Бағдод, Бамиён, Дамғон, Дарбанд, Язд, Исфаҳон, Қарши, Кашон, Кермон, Қум, Мордин, Маҳмудобод, Машҳад, Сава, Самарқанд, Султония, Табриз, Хоразм, Шабанқар, Широз, Шемаха, Шайх Абу Исҳоқ, Ҳирот ва бошқа 40 га яқин шаҳарларда ҳам зарб қилинган.

Ёзма манбаларда биз юқорида тилга олган ҳудудлардаги шаҳарлардан бошқа Ҳиндистон, Туркия, Миср ва Шом подшоҳлари ҳам Амир Темур номи билан тилла, кумуш тангалар зарб қилганлиги маълум. Масалан, Ибн Арабшоҳ ўзининг "Амир Темур тарихи" асарида "Турк султони Боязиднинг устидан галаба қилгандан сўнг унинг ўғилларидан Рум подшоҳларидан бири Исфандиёр (Амир)Темур ҳузурига келиб, Амир Темурга итоат изҳор этди. Темур уни севинч билан қарши олиб, Исфандиёрни Румдаги ўз мартабасида барқарор этди ва унга ўз теварак-атрофдаги амирларга Маҳмудхон ва улуғ Амир Темур Кўрагон номи билан хутба ўқитиб, пул зарб қилишларини амр этди"<sup>1</sup> — деб ёзса, Шарафуддин Али Йаздий "Зафарнома"да: "Амир Темур Турк султони устидан галаба қилгандан сўнг ўз элчиларини шу даврдаги Миср ва Шом подшоҳи Барқуқнинг ўғли Малик Носирга жўнатди. Малик Носир Амир Соҳибқиронга мухоли-

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи. 1-китоб, Т., «Меҳнат». 1992 й. 278-бет.

фат бўлиш мумкин эмаслигини англаб, ўз тақдирининг омонлигини тилаб, Амир Темур номига хутба ўқитиб тангалар зарб қилди"<sup>1</sup> — деб қайд этади.

Амир Темур ўзи қурган жуда катта давлатнинг пул-молия ишларини бир марказдан туриб бошқариш қийинлигини тушунганлиги учун ҳам ерли ҳокимиятларга марказий ҳокимият-ни эътироф қилган ҳолда, ўз номи билан пуллар зарб қилишга ижозат берган эди.

Кимки Амир Темур номи билан эмас ўз номи билан тангалар зарб қилса, ундай шахслар қатъий жазоланган. Масалан, «Форс ва Ироқда 1392 йиллари ҳукмронлик қилган Музаффар ва Султон Аҳмадлар ўз номи ёзилган тангалар зарб қилганидан дарга-заб бўлган Амир Темур уларни тутиб, бутун моллари ва хазина-сини мусодара қилиб, 1393 йили Форсни шаҳзода Умаршайх Мирзога берди"<sup>2</sup>.

Танга пулларнинг давлат белгилаб берган андоза (стандарт) бўйича, олтин, кумушнинг софлиги ва вазнига алоҳида эътибор берган ҳолда зарб қилиниши давлат томонидан қаттиқ назорат қилиб турилар эди. Айти чоғда бу тангалардаги маҳаллий безак-ларнинг ўзига хос нафислиги сақланиб қолган бўлиб, Ҳирот, Машҳад, Исфаҳон, Табриз ва Бағдодда зарб қилинган тангаларда бу хусусият яққол кўзга ташланади.

Амир Темур ўзининг биринчи танга пулларини 774/1372-73 йиллари Чигатой хонларининг андозаси бўйича зарб қилган бўлса ҳам, лекин 1380 йилларга келиб пул ислоҳоти олиб бори-лиши натижасида янги шаклдаги пулларни ўз номи билан зарб қилдирди.

Эски танга пулларни эса хазинага қайтариб олиб, уларни эрит-ган. Янги андозадаги танга пулларни зарб қилганлиги учун ҳам

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., «Шарқ». 1997 й. 271-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда. 154-155-бетлар.

унинг биринчи чиқарган пуллари турли жойларда топилган дафина (хазина)ларда жуда кам учрайди.

Амир Темури давлатида 1380 йиллари Самарқанд ва Хоразмда онда-сонда олтин тангалар зарб қилинган бўлса ҳам, бу тангалар бутун дунёдаги нумизматика коллекционерлари учун камёб нодир танга ҳисобланади.

Амир Темури кумуш танга пуллариининг қадри-қиммати шунча баланд бўлганки, 1403 йили Амир Темури салтанатини зиёрат қилгани келган Кастилия (Испания) элчиси Рюи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича: "Бу юрт (Самарқанд) дон-дун, мой, мевачева, қуш гўшти, ҳар хил гўшт, қўйинг-чи, ҳамма нарсага бой мамлакатдир. Қўйлари катта думбали, жуда йирик қўйлар. Думбаси одам қўлида зўрға кўтарадиган даражада оғир — ярим пуд, яъни саккиз-ўн килограмм келадиган қўйлар бор. Бундай сердумба қўйлар шу қадар кўп ва арзон эдики, шоҳ лашкари Самарқандга йиғилиб келган кезларда бундай қўйлар бир жуфти бир дукат (яъни тахминан 10 танга — *И.Т.*) турарди. Бошқа моллар ҳам шу қадар арзон эдики, бир ярим қоп арпанинги баҳоси ярим реал (яъни тахминан бир мири — *И.Т.*) эди"<sup>1</sup>

Яна у ўз хотираларида, Самарқанд шаҳрида ҳар йили жуда кўп турли хил моллар сотилар, бу моллар эса Хитой, Ҳиндистон, Татаристон (Дашти Қипчоқ) ва бошқа мамлакатлардан келтирилган экан, деб ёзади.

Амир Темури ўзи бевосита Чингизхон авлодидан бўлмагани учун ўзини "Амир" деб атайдди. 1372 йилдан 1388 йилга қадар қўғирчоқ хон Суюрғатмиш, ундан кейин эса унинг ўғли Маҳмудхон номидан иш юритади. Манбаларда "Суюрғатмишхон вафотидан сўнг Амир Темури Соҳибқирон нўёнлар, амирлар ва давлат арконлари билан ўтказилаётган қурултойда бу борада баҳс ва машварат қилиб, салтанат тахтига унинг лаёқатли ўғли Султон

<sup>1</sup> Рюи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темури саройига саёҳат кундалиги. «Санъат» журнали. 1990 й. №9. 22-бет.

Маҳмудни ўтиргизди ва унинг номи ва дуоси билан тангалар зарб қилдирди", — деб ёзади. Бу тангаларга эса Амир Темур Маҳмудхон номи билан бирга, ўз номини қўшиб зарб қилдирди"<sup>1</sup>.

1402 йили Маҳмудхон вафот этгач, Амир Темур бошқа қўғирчоқ хон тутмай ўша Маҳмудхоннинг номи билан пул зарб қилишни давом эттиради.

Бу тангаларнинг олд томонига: *لا اله الا الله محمد رسول الله* (*Ла илаҳа илаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ*) деган иймон келтириш калимасини ёздирди. Тангаларнинг тўрт бурчагига эса тўрт халифа — Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алиларнинг номларини ёздирди. Танганинг орқа томонига эса: *سيورغتمش خان يرليغي امير تيمور گورگان اکمنو* (*Суюргатмишхон ёрлиғи Амир Темур Кўрагон акмону*) деб ёзилган.

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг нумизматика фондида<sup>2</sup> сақланаётган Н-401/1, Самарқанд, 782/1380 й.; Н-401/2-3, Самарқанд, 783/1381; Н-401/4-6, Самарқанд, 784/1382; Н-401/7-57, Самарқанд, 785/1383; Н-401/55-56, Самарқанд, 786/1384 й.; Н-401/57-61, Самарқанд, 786/1384 й; Н-401/62 рақамли Самарқандда 788/1386 йилларда зарб қилинган кумуш мириларда ҳам Суюргатмишхон ва Амир Темур номи ёзилган. Султон Маҳмудхон ва Амир Темур номидан зарб қилинган кумуш танга ва мириларнинг олди томонига: *لا اله الا الله محمد رسول الله* (*Ла илаҳа илаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ*) деб, тангаларнинг орқа томонига эса:

*سلطان محمود خان يرليغي امير تيمور گورگان اکمنو* (*Султон Маҳмудхон ёрлиғи Амир Темур Кўрагон акману*)<sup>3</sup>, деб ёзилган.

Тангалар асосан кумушдан зарб этилган бўлиб, оғирлик вази 6 граммни ташкил қилган бўлса, у танга деб аталган. Танга-

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., «Ўзбекистон». 1996 й. 150-бет.

<sup>2</sup> Бундан кейинги саҳифаларда Ўзбекистон тарихи давлат музейининг нумизматика фонди сўзи қисқартирилиб, ЎзТДМ шаклида берилади. 33 Э.В. Ртвеладзе Термезский клад монет Темура и Халил Султана. Ж. ОНУ. 1969 г. № 8-9.

<sup>3</sup> ЎзТДМ фондида Н-401/63-196 рақамларида Самарқандда 791/1388 йилдан 800/1397-98 йилларгача Султон Маҳмуд ва Амир Темур номи билан зарб қилинган мирилар сақланмоқда.

нинг тўртдан бирига тўғри келадиган 1,5 граммлик кумуш пуллар эса "Амир" сўзидан "мири" деб юритилган<sup>1</sup>. Ундан бошқа кундалик турмушда ишлатиладиган жуда кўп мис чақалар Амир Темур номи билан зарб қилинган.

Биз қуйида Амир Темур ва Султон Маҳмудхон номи билан Афғонистон, Эрон, Ироқ ва Озарбайжон шаҳарларида турли даврларда зарб қилинган тангаларнинг орқа томонидаги ёзувлардан айрим намуналар келтираемиз<sup>2</sup>.

1. سلطان محمود خان يرليغي امير تيمور كوركان خلدالله ملكه ضرب استر اباد  
— Султон Маҳмудхон ёрлиғи Амир Темур Кўрагон халдолмоҳ муликху; зарб Астробод.
2. سلطان محمود خان يرليغي امير تيمور كوركان باكوي  
— Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон; зарб Бакуе<sup>3</sup>.
3. سلطان محمود خان يرليغي امير تيمور كوركان خلدالله ملكه ضرب باكوي  
— Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон халдолмоҳ муликху; зарб Бакуе. ЎзТДМ, Н-401/263.
4. سلطان محمود خان يرليغي امير تيمور كوركان خلدالله ملكه ضرب بغداد  
— Султон Маҳмудхон ёрлиғи Амир Темур Кўрагон; зарб Бағдод. ЎзТДМ, Н-113/17.
5. السلطان محمود . . . امير تيمور كوركان سوز (م) خاده الله ملكه ضرب البصرة.  
— ас-Султон Маҳмуд... Амир Темур Кўрагон сўзи /м/ халдолмоҳ муликху; зарб Басра. ЎзТДМ, Н-401/263.
6. السلطان الاعظم محمودخان امير تيمور كوركان ضرب هراة  
— ас-Султон ал аъзам Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон; зарб Ҳирот. ЎзТДМ, Н-401/267-270.
7. السلطان محمود خان خلدالله ملكه امير تيمور كوركان اكنو ضرب دامغان ۷۹۹

<sup>1</sup> Е.А. Давидович. О происхождении и значении термина мири в денежном хозяйстве Средней Азии XV-начало XX вв. В сб.: История и культура народов Средней Азии. М., 1976 г. 124—127-бетлар.

<sup>2</sup> Бу тангаларнинг ҳаммасида олд томонига юқорида кўрсатиб ўтилганидек калима ва тўрт халифанинг номи ёзилган.

<sup>3</sup> Э.В. Ртвеладзе. Термезский клад монет Темура и Халил Султана. Ж.ОНУ. 1969. № 8-9.

— *ас-Султон Маҳмудхон халдоллоҳ муликиху Амир Темур Кўрагон акману*; зарб Домғон. 799/1396-97, ЎзТДМ, Н-401/274.

8. سلطان محمود خان اميرتيموركوركان خدالله ملكه ضرب درين

— *Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон халдоллоҳ муликиху*; зарб Дарбан. ЎзТДМ, Н-401/280-281.

9. السلطان الاعظم محمود خان اميرتيموركوركان اكنو ضرب يزد ٧٩٧

— *ас-Султон ало аъзам Маҳмудхон ало Амир Темур Кўрагон акману*; зарб Ёазд. 797/1394-95.

10. سلطان محمود خان يرليغي اميرتيموركوركان خدالله ملكه ضرب اصفهان

— *Султон Маҳмуд ёрлиғидин Амир Темур Кўрагон халдоллоҳ муликиху*; зарб Исфаҳон. ЎзТДМ, Н-154/180, Н-401/287.

11. سلطان محمود خان يرليغي اميرتيموركوركان ضرب كاشان

— *Султон Маҳмудхон ёрлиғи Амир Темур Кўрагон*; зарб Кошон. ЎзТДМ, Н-401/288.

12. سلطان محمود خان يرليغي اميرتيموركوركان ضرب قم

— *Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон*; зарб Қум. ЎзТДМ, Н-401/289.

13. سلطان محمود خان بهادر تيموربك كوركان خدالله ملكه ضرب مردين

— *Султон Маҳмудхон баҳодир Темурбек Кўрагон халдоллоҳ муликиху*; зарб Мордин. ЎзТДМ, Н-401/290-292.

14. سلطان محمود خان يرليغي اميرتيموركوركان اكنو خدالله ملكه ضرب ساره

— *Султон Маҳмудхон ёрлиғи Амир Темур Кўрагон акману халдоллоҳ муликиху*; зарб Сова. ЎзТДМ, Н-401/294.

15. سلطان محمود خان اميرتيموركوركان خدالله ملكه ضرب سلطانيه

— *Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон халдоллоҳ муликиху*; зарб Султония. ЎзТДМ, Н-401/296-297.

16. سلطان... اميرتيموركوركان خدالله ملكه ضرب تبريز ٧٩٠

— *Султон... Амир Темур Кўрагон халдоллоҳ*; зарб Табриз. 790/1388, ЎзТДМ, Н-47/1, 401/298.

17. سلطان محمود خان اميرتيموركوركان خدالله ملكه ضرب خوي

— *Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон халдоллоҳ муликиху*; зарб Хой. ЎзТДМ, Н-401/301.

18. سلطان العالم محمود خان امير عظم تيموركوركان خلد الله ملكه ضرب شباتكاره .

— Султон ал олам Маҳмудхон ва Амир аъзам Амир Темур Кўрагон халдолоҳ, муликиху; зарб Шабонкора. ЎзТДМ, Н-401/302.

19. السلطان محمود خان امير تيموركوركان خلد الله ملكه ضرب شيراز ۷۸۹

— ас-Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон халдолоҳ, муликиху; зарб Шероз. 789/1387, ЎзТДМ, Н-21/9, Н-401/303, 800/1397-98 йил.

20. سلطان محمود خان امير تيموركوركان خلد الله ملكه ضرب شماخه

— Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон халдолоҳ муликиху; зарб Шемаха. ЎзТДМ, 401/305-306.

Амир Темурнинг геометрик ва ҳар хил нафис нақшлар билан безатилган тангаларига назар ташлар эканмиз, кўз ўнгимизда бу тангаларга урилган тамга (герб) гавдаланади. Бу тамгалар учта чамбараксимон кичик ҳалқачалардан иборат. Испания қиролининг элчиси Р.Г. Клавихонинг фикрича, бу тамгалар: "Темур — уч иқлимнинг ҳукмдори", — деган маънони англатади. Яна баъзилар мазкур тамга ҳўкиз бошининг рамзидир. Яъни ҳўкиз бошининг фақат икки кўзи билан оғзи тасвирланган, деб тахмин қиладилар.

Ибн Арабшоҳ "Темур тамғасининг нақши "Рости-русти" бўлиб, бу "ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан" демақдир. Унинг отларидаги тамга, тангаю тиллоларига зарб бериладиган (асоси) белги ҳам мана шундай <sup>0</sup>о<sup>0</sup> уч ҳалқадан иборат эди"<sup>1</sup>, — деб ёзади.

Амир Темур "Рости—русти", яъни "Куч—адолатда" деган шиор битилган уч ҳалқадан иборат байроқни ўзининг туғи этиб белгилади.

Ривоятларга қараганда, тугдаги уч доира курраи заминнинг Амир Темур ҳукмронлик қилишни истаган уч қисмини билдирар, мўғул урф-одатлари бўйича эса у ўз ҳўжасига омад келтирувчи сеҳрли белгилардан бири ҳисобланарди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб. Т., «Меҳнат», 1992 й. 65-бет.

<sup>2</sup> Люсьен Керэн. Амир Темур салтанати. Т., «Маънавият», 1999 й. 42-бет.



Амир Темур саройида араб ёзуви билан бирга эски турк (уйғурча) ёзуви ҳам қўлланилган. Бу ёзув билан битилган ёзма ёдгорлик ва ёрликлар темурийлар сулоласининг энг охириги вакиллари даврида ҳам ишлатилиб келинган. Амир Темур 1391 йили Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши ҳарбий юришлари ҳақидаги хотира тошини ҳам ана шу ёзув билан ёздирган эди.

Амир Темур тангаларида биз арабча, форсча, туркча ва мўғулча сўзларни ўқиймиз. Масалан: арабча: **خدا الله ملكه و ساطانه** (Оллоҳ унинг подшо ва султонлигини мангу боқий қилсин), форсча **ضرب** (зарб), туркча **سوزم** сўзим, ёрлиги **يرليغي** ва мўғулча (акману—менинг сўзим), **اکمنو** курагон (куёв) сингари сўзларни учратамиз. Турон юртида, Самарқандда Чигатой авлодлари ҳукмронлик қилган 150 йил (1220-1370 йй.) ичида бирон катта ижтимоий фойдали иморат деярли қурилмаган бўлса, Амир Темур ва унинг авлодлари замонида давлатнинг маркази ҳисобланган Самарқанд сиёсий-иқтисодий, фан-маданият жиҳатидан равнақ топиб, дунёдаги энг катта гўзал шаҳарлардан бирига айланган. Унинг атрофидаги қишлоқларга эса мусулмон давлатларидаги йирик шаҳарларнинг номи берилган. Масалан, Дамашқ (Уммавийлар халифалигининг маркази), Бағдод (Аббосийлар сулоласининг маркази), Миср (Фотимийлар сулоласининг маркази). Амир Темур даврида Самарқандда Бибиҳонимнинг Жомеъ масжиди, Кўксарой, Бўстонсарой, Шоҳизинда ансамбли, Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт ва бошқа боғлар барпо этилган. Шунинг учун ҳам, Самарқанд "Самарқанд сайқали рўйи замин аст" (Самарқанд ер юзининг кўрки, сайқали) деб аталар эди<sup>1</sup>.

Бу ҳақда манбаларда: "(Амир) Темур ҳар бир (фойдали) нимаики нарса бўлса сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намояндасидан ва санъатлар гаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона бўлиб, ўз

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Соб. соч. Т.1.М., 1963 г. 99-бет.

тенгқурларидан устун турган ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди"<sup>1</sup>;

"Амир Темур Дамашқдан фазилат соҳибларини, турли ҳунар аҳлларини... моҳир касибларни, тўқувчилар, тикувчилар, сангтарошлар, дурадгорлар, (темир) қалпоқ ясовчилар, отбоқарлар (мол табиблари), чодир ясовчилар, наққошлар, ёй ясовчилар, лочиндорлар — бир сўз билан айтганда қандай ҳунар аҳли бўлса... Самарқандга етказишларини буюрди"<sup>2</sup>, — деб ёзилган.

Ибн Арабшоҳ Самарқандда Амир Темур томонидан амалга оширилган шаҳар ободончилиги ва у яратган боғлар ва сайилгоҳлар ҳақида ҳам шундай сўзларни келтиради: "Темур Самарқандда кўпдан-кўп бўстонлар барпо қилиб, баланд ва мустаҳкам қасрлар бунёд этди... улардан бирини Эрам боғи, иккинчисини Дунё зийнати, яна бошқасини Фирдавс жаннати, унисини Шамол боғи, бунисини Олий жаннат деб атади. У бўстонларда ҳар бири ичида бир қаср қурдилар. Бу қасрларнинг қай бирига ўз мажлисларини, ўз суратини турли шаклларда — бирида кулиб турган, иккинчисида қаҳрланган, ўзи қилган жанглар тасвирларини, расмий тантаналардаги суратларни, ... ҳинд, Дашти (Қипчоқ) ва Ажам жангларию ўз зафарлари суратини, ... ўз авлодлари, набиралари, амирлари, кўшинлари суратларини, ... ўз улфати қўшиқчилари, турли мақомдаги газалхонликлар тасвирланган. Булар ҳаммаси ҳеч бир камчиликсиз ва оширмай, қай тарзда юз берган бўлса, шундайлигича акс эттирилди.

Бундан мақсади — ўзининг ишларидан ғойибона хабардор бўлиб, уларни ўз кўзи билан мушоҳада этмаганларга яққол намён қилиб кўрсатиш эди.

Агар Темур бирор томонга отланиб, Самарқанд (унинг) кўшинларию ёрдамчиларидан холи бўлиб, ўша бўстонлар бўш қолса, шаҳар аҳлидан бадавлату мискинлар у (бўстон) ларга қараб

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, Т., «Меҳнат». 1992 й, 87-бет.

<sup>2</sup> Ибн Арабшоҳ. 1-китоб. 246-бет.

йўл олардилар. Чунки бу боғлардан кўра яхши ва ажойиб дам оладиган, булардан кўра роҳатланишга муваффақроқ ва осойиштароқ жой йўқ эди. Боғлардаги ширин, мазали мевалар эса барчага баб-баравар (текин) эди. Чунки мевалардан биронтаси ҳам арзимаган баҳога бўлса-да сотилмасди..."<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилган далиллар Амир Темур даврида Ўрта Осиё шаҳарлари иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалиб, жаҳонга машҳур бўлганини кўрсатади. Амир Темур "Тузуқлар"ида: "У менга (яъни, пирнинг мактуби — *муҳаррир*.) салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англатди"<sup>2</sup>, — деб ёзади.

Жуда кўп тарихий далилларни хулосалаганимизда, шундай фикрга келамиз: гарчанд Амир Темур Марказий Осиё, Хуросон ва Ироқ, Эрон ерларини ўз салтанатига қўшиб олишда от суриб қилич кўтарган бўлса ҳам, лекин уни бошқариш, иқтисоди, фан ва маданиятини юксалтиришда турли кенгаш ва чора-тадбирлар қўллаган, ўзига хос стратегия ва тактика соҳиби, дипломат, ислоҳотчи, олижаноб инсонпарвар давлат арбоби бўлганлигини исботлайди.

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб. Т. «Меҳнат» 1992 й, 82-83-бетлар.

<sup>2</sup> Темур тузуқлари. Т., «Шарқ». 2005 й. 13-бет.





## АМИР ТЕМУР НАБИРАЛАРИ МУҲАММАД СУЛТОН, МУҲАММАД ЖАҲОНГИР ВА ХАЛИЛ СУЛТОН ТАНГАЛАРИ

**А**мир Темурунинг тўрт ўгли бўлиб, катта ва суюкли ўгли Жаҳонгир Мирзо 1356 йили туғилиб 1376 йили 20 ёшида касал бўлиб вафот этган. Ундан икки ўғил қолган: биринчиси Муҳаммад Султон, иккинчиси Пирмуҳаммад Мирзодир.

Муҳаммад Султон Амир Темурунинг энг сеvimли набираси бўлиб, отаси Жаҳонгир Мирзо вафот қилгандан кейин, уни узининг тахт вориси этиб тайинлаган эди.

Амир Темурунинг иккинчи ўгли Умаршайх Мирзо 1356 йилда туғилиб, 1394 йили Форс вилоятининг ҳоқими қилиб тайинланган. У Курдистондан ўтиб бораётиб, йўл устида Хармоту номи кичик бир қалъани томоша қилиш мақсадида тепалик устига чиқиб кузатаётган пайтда қалъа ичидан отилган уқдан 1394 йили 38 ёшида ҳалок бўлган.

Ундан олти ўғил — Пирмуҳаммад Мирзо, Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Аҳмад Мирзо, Саид Аҳмад Мирзо ва Бойқаро Мирзолар қолдилар.

Амир Темурунинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо бўлиб, 1366 йилда туғилган, унга аввал Хуросон, кейинчалик 1393 йилда шимолий Эрон, Бағдод, Озарбайжон, Арманистон ва Гуржистонлар берилган эди. У 1408 йили Табриз яқинида Қора Юсуф билан бўлган жангда ўлдирилади. Ундан беш ўғил — Абубакр Мирзо, Умар Мирзо, Халил Султон Мирзо, Ийжал Мирзо ва Суюрғатмиш Мирзолар қолдилар.

Амир Темурунинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзо бўлиб, у 1377 йилда туғилган. Шоҳруҳ Мирзо 1396 йили Хуросон ҳоқими этиб

тайинланган. Амир Темур вафот қилган даврда унинг етти ўғли — Улуғбек Мирзо, Иброҳим Мирзо, Бойсунгур Мирзо, Суюргатмиш Мирзо, Муҳаммад Жўки Мирзо, Жон Ўғлон Мирзо ва Муҳаммад Ёрди Мирзолар бор эди.

Гарчи Амир Темур ўз ўлими олдида унинг энг кичик ўғли Шохруҳ Мирзо ҳаёт бўлса-да, бироқ салтанат тахтини унинг қўлига топширмаган, тахтни аввалдан Жаҳонгир Мирзонинг 1376 йилда туғилган ўғли Муҳаммад Султонга васият қилган эди. Муҳаммад Султон 24 ёшида 40 минг лашкарга бошчилик қилиб, ҳозирги Қирғизистондаги Ашпара шаҳри учун бўлган жангларда қатнашиб, ғолиб чиққан. 1399 йили Амир Темур Ҳиндистонга юриш қилган вақтда, Муҳаммад Султонни Самарқанднинг ҳокими этиб тайинлаган. 1401—1402 йиллардаги ҳарбий юришларда шимолигарбий Эрон ва Кичик Осиёдаги урушларда Туркия султони Боязидга қарши жангларда қатнашиб, қайтиб келаётган вақтда тўсатдан касалга чалиниб, 1403 йили 13 мартда вафот этган. Шаҳзоданинг жасади Самарқандда дафн қилинган бўлиб, ҳозирги Гўри Амир мақбараси Соҳибқироннинг ардоқли набираси Муҳаммад Султон номи билан боғлиқдир, мақбара даставвал унга атаб қурилган эди.

1405 йили 18 февралда Амир Темур вафот этгандан сўнг уни шу ерга дафн этдилар.

Бу мақбара қурилиши фақат Улуғбек даврига келибгина тамомланди ва темурийлар авлодининг хилхонасига айлантирилди. Шохруҳ ва Улуғбек Мирзолар ҳам шу жойга дафн қилинган.

Амир Темур ўзининг бу набирасидан бевақт жудо бўлганлигига жуда қаттиқ қайгуриб, унинг номини мангу ёд этиш мақсадида Муҳаммад Султон номи билан тангалар зарб эттирган.

Бу тангаларнинг олд томонига иймон келтириш калимаси ва унинг тўрт бурчагига чаҳорёрлар, яъни тўрт халифанинг номи, бошқа бурчакларига эса тангаларни зарб қилган шаҳар ҳамда йиллар ёзилган.

1. ۸۰۵ سمرقند Самарқанд, 805/1402-03 йил<sup>1</sup>.

Орқа томонига эса: سلطان محمود اميرتيمور كوركان اميرمحمد...اطان

<sup>1</sup> Бундан аввал 1398 йил 20 декабрда Амир Темур қўшинлари Деҳлини ишғол қилгандан сўнг, шаҳар сайидлари, ақобирлар Амир Темурдан омонлик беришни илтимос қилиб, Темур Курагон ва валиулаҳдимирзо Муҳаммад Султон номига хутба ўқитиб тангалар зарб қилган эди. Бу ҳақда Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарининг 252-бетида баён қилинган.

— Султон Маҳмуд Амир Темур Кўрагон Амир Муҳаммад Султон; ЎзТДМ, Н-401/201-205.

2. سلطان محمود خان اميرتيمور كوركان ولي العهدي في زمان محمد سلطان سلاتنيه

— Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон вали аль аҳди фи замон Муҳаммад Султон; Султония. ЎзТДМ, Н-401/328-330.

3. . . . الاعظم سلطان محمود خان اميرتيمور كوركان ولي العهدي اميرزاده محمد

سلطان خاد الله ملكه ضرب تبريز

— ало аъзам Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон вали аль аҳди амирзода Муҳаммад Султон халдоллоҳ муликиху; зарб Табриз, ЎзТДМ, Н-401/229.

4. . . . خان برليغي اميرتيمور كوركان ولي العهدي محمد سلطان يزد ۸۰۵

— ... хон ёрлиғи Амир Темур Кўрагон вали аль аҳди Муҳаммад Султон; ЎзТДМ, Н-401/286.

5. سلطان محمود خان اميرتيمور كوركان امان محمد سلطان سمرقند ۸۰۴

— Султон Маҳмуд Амир Темур Кўрагон оман Муҳаммад Султон; Самарқанд, 806/1403 йил, ЎзТДМ, Н-401/206-208.

6. سلطان محمود خان اميرتيمور كوركان اميرزاده محمد سلطان ضرب سمرقند ۸۰۷

— Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон амирзода Муҳаммад Султон; зарб Самарқанд, 807/1404-05 йил, ЎзТДМ, Н-401/213-223.

7. السلطان محمود خان اميرتيمور كوركان محمد سلطان ن خاد الله ملكه

— ас-Султон Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон Муҳаммад Султон халидоллоҳ муликиху<sup>1</sup>.

Муҳаммад Султон Амир Темурдан олдин вафот этганлигидан, Амир Темур тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи ўғли Пирмуҳаммад Мирзони ўз тахтига ворис қилиб тайинлади ва уни вафотидан илгари ўз қароргоҳида ҳозир бўлган барча шаҳзодалар, маликалар ва аркони давлатга эълон қилди ва уларни салтанатни бошқаришда Пирмуҳаммад Мирзога кўмаклашишга даъват этди<sup>2</sup>.

Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Пирмуҳаммад ўша пайтларда, Кобул, Қундуз, Бомиён ва Қандаҳор вилоятларининг ҳамда Ҳиндистонга олиб ўтувчи машҳур довонлар, жумладан Ҳайбар довони жойлашган минтақаларни ўз ичига олган "кичик Ҳиндистон"нинг ноибиди эди.

<sup>1</sup> Е.А.Давыдович. Клады древних и средневековых монет Таджикистана. М., «Наука». 1979 г. 269-бет.

<sup>2</sup> Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., «Шарқ». 1997 й. 296-бет.

Ҳазрат Соҳибқирон ўлими олдидан фарзандларига боқиб: "Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айтгим, қулогингизга тутинглар ва риоя, фуқароу мискин ҳолатидан гофил бўлмағайсиз ва қиличнинг сопини маҳкам тутунгиз, то мендек подшоҳ бўлғайсиз. Эрон Туронни муҳолифлардан халос қилғайсизлар. Нечуким, мен адлу эҳсон била оламни обод этибмен. Агар менинг васиятим била амал қилиб, адлу дод қилсангиз, кўб йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолгуси турур. Ва агар сизлар орасида муҳолифат бўлса, йахши бўлмағусидур"<sup>1</sup> — деб васият қилган эди.

Бироқ Соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг шаҳзодалар, ҳарбий бошлиқлар ва аркони давлат орасида парокандалик бошланиб кетди.

Амир Темур васиятларига содиқ қолишга қасамёд қилган шаҳзодалар тез кунда боболарининг васиятидан юз ўгириб, тожтахт таллашиб ўзаро қонли жангларга киришдилар.

Тахт вориси этиб тайинланган Пирмуҳаммад Мирзо эса бу пайтда Ғазна вилоятида бўлганлиги учун Самарқандга етиб келгунча орадан бир ой вақт ўтган бўлиб, фурсатдан фойдаланган Мироншоҳ Мирзонинг ўғли Халил Султон тахтни эгаллаб олган эди.

1406 йили февралда тахтнинг ҳақиқий меросхўри бўлган Пирмуҳаммад Мирзо Хуросонда Шохруҳ Мирзо қўшинлари билан ўзаро бирлашиб Халил Султонга қарши курашган бўлса ҳам, лекин жанг қизиб турган бир пайтда Пирмуҳаммад Мирзонинг бир неча амирлари хиёнат қилиб, жанг майдонини ташлаб кетдилар. Натижада Халил Султон жангда голиб чиқиб, Пирмуҳаммад Мирзо Балхга, Шохруҳ Мирзо қўшинлари эса Хуросонга қочдилар.

Ана шу мағлубиятдан бир йил ўтгач, 1407 йил 22 февралда Пирмуҳаммад Мирзо ўз амири Пир Али Тоз томонидан бўғиб ўлдирилди.

Халил Султон 1384 йилда туғилган бўлиб, уни Амир Темурнинг катта малика — севимли хотини Сароймулукхоним тарбия қилган эди. У 15 ёшидан бошлаб бобоси билан ҳарбий юришларда қатнашган бўлиб, ҳарбий ва сиёсат ишларидан

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., «Шарқ». 1997 й. 297-бет.



бохабар эди. Амир Темур Халил Султонни Хитойга қарши юришда (1404 йили) унги қанот аскарларининг қўмондони қилиб тайинлаган эди. У Амир Темур вафотидан сўнг Самарқанд тахтини эгаллади.

Нима учун Амир Темур Халил Султонни ўз меросхўри деб эълон қилмади? Бу ҳақда академик Б.Аҳмедов бундай ёзади: "Халил Султонни илгари Амир Темурнинг жияни амирзода Алининг қизи Жаҳон Султон бегимга уйлантириб қўйган эдилар. Халил Султон қонуний хотини бўла туриб амир хожи Сайфуддиннинг чўриси соҳибжамол Шодимулкни ёқтириб қолади ва уни хожасидан тортиб олиб яширинча никоҳига ўтказади. Амир Темур бунга эшитиб дарғазаб бўлади ва ясовулбошини чақиртириб: "Шаҳзодани қайда бўлса ҳам тутиб келтирилсун ва маҳди улё Баён ога турган қасрга қамаб қўйилсин, беҳаё Шодимулкни эрса гуломлардан бирига хотин қилиб бериб юборилсун", деб фармон беради. Лекин амирлар Соҳибқироннинг кайфияти дурустроқ пайтни пойлаб унинг кунглини юмшатишга эришадилар. Аммо Амир Темур ўзбошимча набирасининг гуноҳидан ўтсада, уни валиаҳд қилиш ниятидан қайтган эди"<sup>1</sup>.

Маълумки, қадимги турк ва мўғул анъанаси буйича ҳокимият, отасидан сўнг катта ўғлига, катта ўгли вафот этган бўлса, унинг ўғилларига мерос қилиб берилар эди.

Ана шу анъанага содиқ қолган Амир Темур тўнгич ўгли Жаҳонгир Мирзо 1376 йилда вафот этгандан сўнг унинг катта ўгли Муҳаммад Султонни ўз меросхўри қилиб тайинлаган. Лекин Муҳаммад Султон 1403 йили вафот этганидан сўнг, Амир Темур ўз ўлими олдидан яна катта ўгли Мирзо Жаҳонгирнинг иккинчи ўгли Пирмуҳаммад Мирзони ҳокимият меросхўри этиб тайинлайди. Соҳибқироннинг ўлими ҳақидаги хабар тарқалиши билан ҳар бир темурий шаҳзода у ёки бу даражада ворислик иштиёқи билан ёнгани, ё бўлмаса бундан буёнги вазиятда ўзи тутиши мумкин бўлган мавқеи борасида ўйлагани аниқ. Масалан, кенжа ўғил Шоҳруҳ Мирзо Ҳиротда ўз номидан хутба ўқитиб, танга зарб қилишни жорий этган. Бу билан у Пирмуҳаммад Мирзо у ёқда турсин, ҳатто бошқаларнинг ҳам даъволари билан ҳеч қандай иши йўқлигини билдирганди. Тахт учун курашда

<sup>1</sup> Б. Аҳмедов. Улугбек. Т., «Ёш гвардия». 1989 й. 18-бет.

Сохибқироннинг қизи Оқа Беги хонимнинг (вафоти 1382 йил) ўгли Султон Ҳусайн Мирзо(1380-1405) ҳам тоғаларидан орқада қолишни истамаган. Абжирликда эса Халил Султон ҳаммадан ўтиб тушганди. Бош шаҳар Самарқандни эгаллаб у Муҳаммад Султон Мирзонинг ўгли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони (1396-1435) хон деб эълон қилади. Чамаси бу йўл билан Халил Султон, Амир Темур васиятига хилоф иш тутишда айбланишнинг олдини олмоқчи бўлган. Чунки Муҳаммад Султон Мирзо бобоси ҳаётлигидаёқ расман эълон қилинган тахт вориси эди. Аммо бевақт ўлим мазкур режанинг амалга ошишига тўсиқ бўлганди. Халил Султон эса Сохибқироннинг илк ниятини назарда тутган ҳолда Муҳаммад Султон Мирзонинг ўгли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони номига хон деб эълон қилди.

Халил Султон ҳокимият тепасига чиққанидан сўнг, зарб қилган кумуш ва мис пулларга ўз номи билан бирга Муҳаммад Жаҳонгирнинг номига "хон" сўзини қўшмай зарб қилдирди.

Тангаларнинг олд томонига: иймон келтириш калимаси ва унинг тўрт бурчагига биринчи тўрт халифа номи ва танга(мири)ларни зарб қилган шаҳар, саналар ёзилган.

Орқа томонига эса:

1. سلطان محمد جهانگیر امان الزمان امير خليل ، سلطان خلد الله ملكه ۸۰۷

— Султон Муҳаммад Жаҳонгир омон аз-замон амир Халил Султон халдоллоҳ муликиху; 807/1404-05, ЎзТДМ, Н-401/224-246, 808/1405-06 йил. Н-401/247-258.

2. محمد جهانگیر الجليل الدين امير خليل سلطان خلد الله ملكه ضرب  
في سنة عشر وثمانمئة

— Муҳаммад Жаҳонгир ал-жалил ал-диён амир Халил Султон халдоллоҳ муликиху, зарби сана 1 ашара саманмиа; зарб 810/140-08 йил<sup>1</sup>.

Шарафуддин Али Ўаздий шундай ёзган эди: "Халил Султон Самарқанд салтанатида қарор топгандан сўнг, хазина эшигини очиб, олтину кумушларни бекларга бугдой тортган тарозуларда инъом қилиб улаштурди. Бу хазинани Амир Темур 35 йил жараёнида, Эрону Турондаги подшоҳларнинг йиғилган хазиналари, Қалмоқдан Румгача ва Ҳиндистондин Шомгача, Хоразмдан Даш-

<sup>1</sup> Э.В. Ртвеладзе. Термезский клад монет Тимура и Халил Султана. Ж.ОНУ. 1969 г. № 8-9 А.К. Марков. Инвентарный каталог 665-666-бетлар.

ти Қипчоққача, Рус ва Булгар, Фарангдан келтуруб жамъ қилган эдилар. Тўрт йилда андоқ қилдиким, ул молдин ҳеч асар қолмади ва бу давлатнинг завол бўлишига асосий сабаб бўлдилар"<sup>1</sup>.

XV асрда яшаган тазкиранавис олим Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495 йй.) эса бу ҳақда: "Шоҳруҳ Мирзо Самарқанд тахтига ўлтиргач (1409 й.) Амир Темурнинг Кўксарой ва Самарқанд аркида жойлашган хазинасига кирди. Аблахлар димоғи ақлдан холи бўлганидай, (Шоҳруҳ ҳам) ул хазинани ганжидан холи топди. Шундан кейин аёғи бир нарсага теккандай бўлди. Қараса, кўзи ерда чанг орасида ётган бир динор ақчага тушди. Зудлик билан уни олиб пешига артди, сўнг кўзларига суртиб "Отамиздан қолган шу динор бирлан ганий (бой) бўлди"<sup>2</sup> — деган сўзларни келтиради.

Бу маълумотлар Халил Султон даврида Самарқанддаги Амир Темур хазинаси бутунлай талон-торож қилинганлигини англатади.

Иқтисодий асосга эга бўлмаган ҳар қандай салтанат инқирозга учраб, давлатни ҳалокат гирдобига олиб келиши бегумондир.

Бунга тарихдан жуда кўп мисоллар келтиришимиз мумкин: Аҳамонийлар империяси (милоддан аввалги 540-330 йиллар), македониялик Искандар империяси (милоддан аввалги 336-323 йиллар), Хунлар империяси (милоддан аввалги III аср ва милоддан кейинги I асрлар), Турк хоқонлиги (VI-VII асрлар), Қорахонийлар давлати (IX-XIII асрлар), Чингизхон империяси (1205-1370 йиллар) мисол була олади.

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., «Шарқ». 1997 й. 307-бет.

<sup>2</sup> Б.Аҳмедов. Амир Темур дарслари. Т., «Шарқ». 2000 й. 68-бет.





## ШОҲРУҲ МИРЗО ТАНГАЛАРИ

**Х**алил Султон ҳоқимиятга келиши билан Амир Темурнинг кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзо ва набиралари ўртасидаги ҳоқимият учун бўлган кураш тиниб-тинчимади. Бу кураш баъзан яширин, баъзан ошқора тусда олиб борилди.

Халил Султон Мирзонинг ҳукмронлигини Мовароуннаҳрдан ташқарида ҳеч ким тан олмади. Бундай вазиятдан фойдаланган Шоҳруҳ Мирзо турли чора ва тадбирларни қўллаб Халил Султон қароргоҳида исён чиқаришга муваффақ бўлди.

1409 йил баҳорида Шоҳруҳ Мирзонинг қўшини Бодҳез мавзеида, Халил Султон қўшини эса Кеш (Шаҳрисабз)да жангга тайёр ҳолда турар эди. Шу аснода шимолда Амир Худойдоднинг қўзғолон кўтаргани ҳақида хабар келди. Халил Султон асосий қўшинни Шаҳрисабзда қолдириб, фақат тўрт минг аскар билан исённи бостиришга кетди. Аммо 1409 йил 30 мартда Халил Султон амир Худойдод томонидан асирга олинди. Кўп ўтмай, амир Шайх Нуриддиннинг воситачилигида, Шоҳруҳ Мирзо билан унинг ўртасида битим имзоланди. Унга мувофиқ, Халил Султон Мовароуннаҳр тахтига бўлган даъвосидан воз кечди ва бунинг эвазига Рай вилоятининг ҳоқими этиб тайинланди. Кўп ўтмай, 1411 йили шу шаҳарнинг шимолидаги Шаҳриёр қўрғонида вафот этди<sup>1</sup>.

1409 йилда Шоҳруҳ Мирзо Самарқанд тахтини, Мовароуннаҳр ҳукмронлигини катта ўғли Улуғбек Мирзога инъом қилди.

Шоҳруҳ Мирзо аста-секин ўз акалари Жаҳонгир Мирзо ва Умаршайх Мирзолар авлодларини ўз атрофига бирлаштириб,

<sup>1</sup> Шарафхон ибн Шамаддин Бидлиси. Шарафнаме. II том. М., «Наука». 1970 г. 101-бет.

Мовароуннахр, Хуросон ва шимолий Афғонистондан иборат катта бир давлат жilовини қўлида сақлаб қолди.

Шоҳруҳ Мирзо умрининг охиригача ўзига валиаҳд тайинлашга иккиланиб юрди ва муайян бир қарорга келолмай 1447 йили 12 март куни 70 ёшида вафот этди.

Шоҳруҳ Мирзо Турон ва Хуросоннинг бош ҳукмдори сифатида бу жойлардаги ҳамма катта шаҳарларда, жумладан, Астробод, Бухоро, Домғон, Исфаҳон, Кушон, Кирмон, Қум, Нишопур, Марв, Самарқанд, Сабзавор, Сова, Султония, Табриз, Хоразм, Ҳирот, Шероз ва бошқа шаҳарларда ўзининг кумуш танга пулларини зарб қилдирди<sup>1</sup>. Бу тангаларнинг олд томонига:

لا اله الا الله محمد رسول الله (Ла шaҳa илаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ) деб иймон келтириш калимаси ёзилган бўлса, унинг тўрт бурчагига дастлаб тўрт халифа — Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алиларнинг номлари ёзилган. Орқа томонига эса асосан:

سلطان الاعظم شاهرح بهادر خلدن الله ملكه وسلطاننه (Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиму ва султанаху)

деган сўзлар билан бирга бу кумуш тангалар зарб қилинган сана ва шаҳарларнинг номи қайд этилган. Шоҳруҳ тангаларининг олд томонига, биз юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, иймон келтириш калимаси ва тўрт халифанинг номи ёзилган. Биз қуйида Шоҳруҳ Мирзо тангаларининг орқа томонига ёзилган сўзлардан айрим намуналар келтирамиз.

1. السلطان الاعظم شاهرح بهادر خلدن الله ملكه وسلطاننه استراباد ۸۳۱

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиму ва султанаху; зарб Астробод, 831/1427-28 йил, ЎзТДМ, Н-21/60<sup>2</sup>, Н-47/63<sup>3</sup>, 836/1432-33.

2. سلطان الاعظم شاهرح بهادر خلدن الله ملكه وسلطاننه استراباد ۸۱۵

— ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдоллоҳ муликиму ва султанаху; зарб Астробод, 815/1312-13 йил, ЎзТДМ, Н-47/52, 816/1413-14 йил; Н-47/66, Н-841/1437-38 йил.

3. سلطان الاعظم شاهرح بهادر خلدن الله ملكه وسلطاننه يزد ۸۲۲

<sup>1</sup> А.К.Марков. Инвентарный каталог. № 21. 666—671-бетлар.

<sup>2</sup> Е.А. Давыдович Клады древних и средневековых монет Таджикистана. М., «Наука», 1979 г. 271-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 272-бет.

— *ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдолоҳ муликиху ва салтанаху*; зарб Йазд. 822/1419 йил, ЎзТДМ, Н-21/49, Н-47/61, 830/1426-27 йил.

4. *سلطان الاعظم شاهرح بهادر خلدہ اللہ ملکہ وسلطانہ یزد ۸۲۲*

— *ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдолоҳ муликиху*; зарб Кошон. 810/1407-08<sup>1</sup> йил, ЎзТДМ, Н-21/88, Н-21/89, Н-47/72. Саналари ўчиб кетган.

5. *سلطان الاعظم شاهرح بهادر خلدہ اللہ ملکہ ضرب کرمان ۸۲۸*

— *ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдолоҳ муликиху*; зарб Кирмон. 828/1424-25 йил. ЎзТДМ, Н-47/53.

6. *السلطان الاعظم شاهرح بهادر خلدہ اللہ ملکہ ضرب سبزوار ۸۲۸*

— *ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдолоҳ муликиху*; зарб Сабзавор. 828/1424-25 йил, ЎзТДМ, Н-47/56, Н-173/1, Н-112/68<sup>2</sup>.

7. *السلطان الاعظم شاهرح بهادر خلدہ اللہ ملکہ ساوہ*

— *ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдолоҳ муликиху*; зарб Сова. ЎзТДМ, Н-21/56, Н-47/74, Н-47/75

8. *سلطان الاعظم شاهرح بهادر خلدہ اللہ ملکہ وسلطانہ استراباد ۸۳۱*

— *ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдолоҳ муликиху*; зарб Самарқанд. 822/1419 йил, ЎзТДМ. Н-21/50, Н-47/59, 828/1424-25 йил; Н-21/57, Н-47/62, 830/1426-27 йил; Н-21/59, 831/1427-28 йил; Н-21/61, 832/1428-29 йил; Н-154/195, 839/1435-36 йил; Н-47/67, 842/1438-39 йил; Н-112/70, 847/1443-44 йил.

9. *السلطان الاعظم شاهرح بهادر خلدہ اللہ ملکہ وسلطانہ ضرب سلطانيہ ۸۴۵*

— *ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдолоҳ муликиху ва султанаху*; зарб Султония. 845/1441 йил<sup>3</sup>.

10. *السلطان الاعظم شاهرح بهادر خلدہ اللہ ملکہ وسلطانہ ضرب تبريز سنہ ۸۲۸*

— *ас-Султон ал-аъзам Шоҳруҳ баҳодир халдолоҳ муликиху ва султанаху*; зарб Табриз. 828/1424-25 йил; ЎзТДМ, Н-47\58, Н-47/65, 846/1442-43 йил.

11. *السلطان الاعظم العادل الدنيا و الدين شاهرح بهادر خلدہ اللہ ملکہ ضرب شيراز*

— *ас-Султон ал-аъзам ал одил ал дунё ва ал-Дин Шоҳруҳ баҳодир халдолоҳ муликиху*; зарб Шероз. ЎзТДМ, Н-21/87<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> М.Н. Федоров. Клад монет Улутбека и Шахруха из Самарқанда. Ж.ОНУ. 1969 г. № 3. 57-бет.

<sup>2</sup> Е.А. Давыдович. Клады древних и средневековых монет Таджикистана. М., «Наука» 1979 г. 272-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 273-бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда.









## УЛУҒБЕК МИРЗОНИНГ САМАРҚАНД САЛТАНАТИГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ ТАНГАЛАРИ

Улуғбек Мирзо Амир Темурнинг набираси ва Шоҳруҳ Мирзонинг ўгли бўлиб<sup>1</sup>, у 1394 йил 22 мартда Ғарбий Эрондаги Султония шаҳрида туғилган. Онаси Гавҳаршод оқа турк амирларидан Ғиёсиддин Тархоннинг қизи эди.

Улуғбекнинг асл исми Муҳаммад Тарағай бўлиб, бу ном Амир Темур падари бузрукворининг номи эди, ҳали темурий шаҳзодалардан ҳеч бирига берилмаганди. Лекин куп ўтмай, чақалоқнинг ҳақиқий исми тилдан тушиб, унинг урнига Улуғбек деб атала бошланган. Бунинг сабаби нимада? Бу ҳақда манбаларда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Фикримизча, (Амир) Темур ҳузурида ёш болани Муҳаммад Тарағай деб чақиришга истиҳола қилишган, чунки Тарағай — бобосининг оти, Шарқ халқлари удумида эса каттани улуғлаш одат бўлган. Ҳарҳолда, (Амир) Темурни "бек" деб, отаси Муҳаммад Тарағай баҳодирни ҳурмат юзасидан "катта бек", яъни "улуғ бек", деб аташган. "Улуғбек" номи берилган болани мазкур рамзий исм билан, яъни бекларнинг улуғи деб аташган бўлсалар ажаб эмас. Шундай қилиб, Муҳаммад Тарағай Улуғбекка мубаддал бўлиб, абадийлашиб кетган бўлиши керак<sup>2</sup>, деган фикрга келади темуршунос олим Турғун Файзиев.

<sup>1</sup> Шоҳруҳ Мирзонинг беш ўгли бўлган: 1. Улуғбек — Самарқанд ва Мовароуннаҳр ҳокими. 2. Иброҳим Мирзо Форсда ҳукмронлик қилган. 3. Бойсунқур Мирзо 1397 йили туғилиб, Хуросон ва Мозандаронни бошқарган (1434 йили вафот этган). 4. Суюрготмиш Мирзо 1414-16 йиллар Бадахшон ҳокими бўлган. 5. Муҳаммад Жуқий Мирзо — Балх ҳокими (1444 йили вафот этган).

<sup>2</sup> Т.Файзиев. Мирзо Улуғбек авлодлари. Т., «Ёзувчи». 1994 й. 4-бет.

Улуғбек Мирзо ёшлигиданоқ бобоси Амир Темур саройида тарбияланиб, унда саройга йиғилган олиму фузалолар таъсирида илм-фанга катта қизиқиш уйғонади. У Самарқанд салтанатида 40 йил (1409-1449) ҳукмронлик қилган. Мусулмон оламида Улуғбек Мирзодан бошқа бирон подшоҳ бу қадар илм-фанда доврўғ таратмаган. Аллома подшоҳ Самарқандни илм-фан масканига айлантирди, фалакиёт фани ривожига улкан ҳисса қўшди. Улуғбек Мирзо даврида Турон мамлакатаида илм-фан ва маданият гуллади, савдо-сотик равнақ топди.

Улуғбек Мирзо даврида гарчи Самарқанд ва Бухорода кумуш тангалар зарб қилинган бўлса ҳам, улар ўз номи билан эмас, балки падари бузруквори Шоҳруҳ Мирзонинг номи билан чиқарилди. Улуғбек Мирзо отаси Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейингина ўз номидан кумуш пулларни зарб қилишга киришди. Бундай кумуш пулларни зарб қилиш ишлари Самарқанд ва Ҳиротда фақат икки йилу етти ойгина давом этди. Шунинг учун ҳам Улуғбек Мирзо номи билан зарб қилинган кумуш тангалар кам учрайди ва ноёб ҳисобланади.

Шоҳруҳ Мирзонинг кумуш тангаларида Амир Темур тангаларига хос тамға ва Соҳибқироннинг номи йўқ. Улуғбек Мирзо тангаларида эса Амир Темур давлатининг тамғаси билан унинг номи эса олинади. Масалан, тангада:

٨٥٣ تيمور كوركان همتي دين الغ بك كوركان سوزم ضرب سمرقند

"Ҳазрат Темур Кўрагон ҳимматидаин Улуғбек Кўрагон сўзим; зарб Самарқанд. (853/1449 йил, ЎзТДМ, Н-47/81)" деб ёзилган бўлиб, Улуғбек Мирзодан бошқа биронта авлоди ўз номи билан Амир Темурнинг номини қўшиб танга зарб қилмаган. Улуғбек Мирзо худди ана шундай тангаларни 851/1447 йили Хоразмда, 852/1448 йили эса Ҳиротда зарб эттирган<sup>1</sup>.

Улуғбек Мирзо Туронда савдо-сотик ишларини ривожлантириш ва бозорда савдо муомаласида юритилган мис пулларни тартибга келтириш мақсадида 1428-1429 йиллари пул ислоҳоти ўтказиб, мис пулларни янги кўринишдаги шаклда зарб қилди. Бизга маълум бўлган Шарқ манбалари ичида Улуғбек Мирзонинг пул ислоҳоти ўтказганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Лекин унинг даврида Мовароуннаҳрда зарб қилин-

<sup>1</sup> А.К.Марков. Инвентарный каталог. № 154-157, 671-бет.

ган мис пулларни чуқур ўрганиш бу даврда пул ислоҳоти ўтказилганлигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, нумизматика фани XV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган пул ислоҳоти ўтказилганлигини моддий далиллар билан исботлаб, Турон тарихини ўрганишда яна бир саҳифани очиб берди.

Ўрта Осиё туманларидан топилган жуда кўп дафиналар (хазиналар)ни ўрганиш жараёнида бизга шу нарса аён бўлдики, Улугбек Мирзо 1420 йилларда биринчи марта пул ислоҳоти ўтказиб, зарб қилган мис пулларнинг олд томонидаги беш бурчак шаклида тасвирланган юлдузча ўртасига: *ضرب سمرقند عليه* зарб Самарқанд ағлия деб ёздирган бўлса, орқа томонига эса *سنة ثلاث عشرين وثمانائة* (яъни: бу пулларнинг зарб қилинган йили 823/1420 йил) деб арабча сўзлар билан ёзилгандир.

Лекин 823/1420 йиллари Самарқандда зарб қилинган мис пуллар 832/1428-29 йиллари Бухорода зарб қилинган пуллар билан бир дафинада топилмайди ёки жуда камдан-кам учрайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: 1420 йиллари Самарқандда зарб қилинган тангалар (мис пуллар) 1428-29 йиллари Бухорода зарб қилинган пуллар билан алмаштирилган, яъни 1420 йиллари Самарқандда зарб қилинган эски мис пуллар йиғиб олиниб, ўрнига янги кўринишдаги пуллар муомалага чиқарилган.

1428-29 йилларда зарб қилинган пулларнинг олд томони марказий қисмига *بخارا* (Бухоро) ёки *ضرب بخارا* (зарб Бухоро) деб ёзилган бўлиб, унинг чор атрофи турли гулсимон нақшлар билан безатилган. Орқа томонига эса *في التاريخ سنة اثنا ثلاثين وثمانائة* (*фи ат тарих санаи усна салосина ва саммиа*, яъни: 832/1428-29 йил) каби пуллар зарб қилинган саналар битилган.

Бундай мис пуллар фақат Бухорода эмас, балки бутун Ўрта Осиёда кўп тарқалган. 832/1428-29 йилларда зарб қилинган пуллардан бундай кўп топилишининг асосий сабаби, бу пуллар ушбу сана билангина зарб қилиниб қолмасдан, балки ундан кейинги йилларда чиқарилган пулларга ҳам 1428 йил санаси қўшиб зарб қилинганидандир. Худди шундай пуллар Мовароуннаҳрдаги бошқа шаҳарларда ҳам, Хуросон, Андигон (Андижон), Қарши, Термиз, Самарқанд ва Шохрўҳияда ҳам зарб қилинган бўлса, кейинроқ бундай пулларни зарб қилиш, асосан, Бухорода марказлаштирилган эди. 832/1428-29 йиллари зарб қилинган мис пуллар

XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида ҳам савдо муомаласида бўлган. Лекин бу пулларнинг устига ҳар бир шаҳар ўз тамғасини уриб муомалага чиқарган<sup>1</sup>.

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг Хуросон ҳукмронлигини унинг набираси Гиёсиддин Бойсунқур Мирзонинг ўгли Алоуд-Давла эгаллаб олган эди.

Шоҳруҳ Мирзонинг барча ўғиллари вафот этган бўлса ҳам, аммо тўнғич ўгли Улуғбек Мирзо ҳали ҳаёт эди. У ота тахтига даъвогар бўлиб, ўз ўгли Абдуллатиф Мирзони (1428-1450 йй.) Хуросон тахтига ўтказиш мақсадида 1448 йили баҳорда 90 минг кишилиқ қўшин билан Алоуд-Давлага қарши ҳужумга ўтди. Алоуд-Давла жангда енгилиб Машҳадга, сўнгра укаси Абулқосим Бобур олдига Кўчанга қочиб кетди. Гарчи Улуғбек Мирзо ғалаба қилган бўлса ҳам, лекин бу жанг кейин Улуғбек Мирзо билан унинг ўгли Абдуллатиф Мирзо ўртасида низо туғилишига сабаб бўлди. Чунки Ҳиротдан 14 фарсах нарида бўлган Тарноб жангида Абдуллатиф Мирзо жасорат кўрсатиб, ғалабани таъминлаган бўлса ҳам, Улуғбек Мирзо ғалаба шаънини севиқли ўгли Абдулазиз Мирзо номига ёздирган эди.

Ундан ташқари, Улуғбек Ҳиротни эгаллагач, ўгли Абдуллатиф Мирзога Ихтиёриддин қалъасига киришни манъ этди. Бу қалъани Шоҳруҳ Мирзо ҳаётлик даврида Абдуллатиф Мирзога инъом қилганлигидан, у бобоси билан 1446 йили Исфаҳон томон юришга кетаётиб, қалъага ўзига тегишли бир неча минг мисқол олтин ва кумуш буюмлар ҳамда 200 туман пулни беркитиб кетган эди. Улуғбек Мирзонинг юроридагидек бу қалъага киришни манъ этиши Абдуллатифнинг ўз отасига нисбатан норозилигини келтириб чиқарган сабаблардан бири эди.

1449 йили баҳорда Улуғбек Мирзо Хуросонни қайтадан забт этиш учун тараддуд кўраётган бир пайтда тақдир тақозоси билан ўз ўгли Абдуллатиф Мирзога қарши жанг қилишга мажбур бўлди.

Бу жангда Улуғбек Мирзо беҳуда қон тўкмаслик учун ўз ихтиёри билан таслим бўлди. Абдуллатиф Мирзо таслим бўлган отасини Каъбатулло зиёратига жўнатиш ҳақида фармон берди.

<sup>1</sup> Е.А.Давыдович. История денежного обращения средневековой Средней Азии. М., «Наука». 1983 г.

Йўлга чиққан Улуғбек Мирзо ҳали Самарқанддан узоқлашмаган эди. Орқадан чопар келиб шу атрофдаги қишлоқда бир кун тўхтаб туриш ҳақида фармон етказди. Улуғбек Мирзо чорасиз буюрилган қишлоқда тўхтади... Қош қорайгач, Улуғбек Мирзо ўтирган ҳужрага Аббос исмли шахс кириб, собиқ ҳукмдорни ташқарига судраб олиб чиқди, ариқ бўйига чўккалатиб қиличнинг бир зарби билан бошини танидан жудо қилди. Бу мудҳиш воқеа 1449 йил 25 октябрда юз берган эди.





## УЛУҒБЕК МИРЗОДАН КЕЙИНГИ ДАВРЛАРДА ТЕМУРИЙЛАР АВЛОДИНИНГ ТУРОНДАГИ ҲУКМРОНЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ТАНГАЛАРИ

**П**адаркуш Абдуллатиф Мирзо ўз иниси Абдулазиз Мирзони ҳам қатл эттиради. Лекин кўп ўтмай Абдуллатиф Мирзо Улуғбек Мирзонинг амирларидан бири Бобо Ҳусайн баҳодир томонидан ўлдирилди. Падаркушнинг жазоси ана шундай бўлади, деб унинг бошини Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўйдилар.

Абдуллатиф Мирзо отасидан сўнг Самарқанд салтанатида 6 ой ҳукмронлик қилган бўлса ҳам у ўз номидан пул чиқаришга улгурди. Бу тангаларга ўз номи билан бирга бобоси Шоҳрух Мирзо номини ҳам қўшиб зарб қилдирди:

السلطان الاعظم عبداللطيف بهادر بن شاهر ح بهادر بن تیمور کورکان سمرقند ۸۵۳

(ас-Султон ал-аъзам Абдул Латиф баҳодир ибн Шоҳрух баҳодир ибн Темур Кўрагон; Самарқанд. Санаи 853) 1449<sup>1</sup>.

Абдуллатиф Мирзонинг ўлимидан сунг Самарқандда аркони давлат кенгашиб, Абдулло Мирзони Кўксарой қамогидан олиб чиқдилар ва салтанат тахтига ўтқаздилар. Абдулло Мирзо (1433-1451 йй.) аслида Улуғбек Мирзонинг укаси Иброҳим Султоннинг (1394-1435

<sup>1</sup> Е.А. Давыдович. Клады древних и средневековых монет Таджикистана. М., «Наука». 1979 г. 273-бет.

йй.) ўгли бўлиб, уни Улуғбек Мирзо Абдуллатиф Мирзога қарши Амударё қирғоғидаги жангга тортган эди. Ана шундай жангларнинг бирида Абдулло Мирзо асирга олиниб Кўксаройга қамалган эди.

Аммо Абдулло Мирзонинг Самарқанд тахтига ўтиришига қарши бўлган, тахт даъвогарларидан Мироншоҳ Мирзо авлодига мансуб бўлган Султон Абусаид Мирзо унга қарши исён кўтарди, лекин мағлуб бўлгач, Сирдарёнинг шимолидаги кўчманчи ўзбеклар хони Абулхайрхонга элчи юбориб ёрдам сўради.

Абулхайрхон фурсатдан фойдаланиб, Туроннинг энг бой шаҳарларидан бири бўлган Самарқандни босиб олиш ниятида ўз қўшинини Султон Абусаид Мирзо қўшини билан бирлаштириб, аввал Тошкент ва Хўжандни эгаллади, Мирзачўл орқали юриб, Булунгурда Абдулло Мирзо қўшинига рўпара келди. 1451 йил июн ойида Булунгур даштининг жанубидаги Шероз қишлоғи яқинида қонли жанг бўлди. Натижада Абулхайрхон қўшини Абдулло Мирзонинг қўшини устидан галаба қозонди. Абдулло Мирзо мардона курашиб, жанг майдонидан орқага қайтаётганда ўқ тегиб 19 ёшида ҳалок бўлди.

Султон Абусаид Мирзо эса ҳеч қандай қаршиликка учрамай Самарқандга кириб тахтга ўтирди.

Абдулло Мирзо Самарқанд тахтида бор-йўғи бир йил ҳукмронлик қилди ва шу вақт ичида ўз номидан танга пулларни зарб қилиб улгурди. Бу танга пулларнинг олд томонига одатдагидай иймон келтириш калимаси ва дастлабки тўрт халифанинг номи ёзилган бўлса, унинг орқа томонига:

السلطان الاعظم الخاقان الاعدل مرشد الدين سلطان عبد الله بهادر خلد الله ملكه وسلطانه  
سمرقند في سنة ٨٥٢

(ас-Султон ал-аъзам ал-хоқон ал-одил Миршид ад-Дин Султон Абдулло баҳодир холдоллоҳ Муликху ва Султанаху); зарб Самарқанд фи санати 854/1451 деб ёзилган. ЎзТДМ, Н-112/172<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> А.Е. Марков. Инвентарный каталог. № 158. 671-бет.



1451 йили Султон Абусаид Мирзо кўчманчи ўзбеклар хони Абулхайрхон ёрдамида Самарқандни забт қилгандан сўнг, унга ўз миннатдорчилигини билдириб, Улугбек Мирзонинг кенжа қизи Робия Султонбегимни бошқа қимматбаҳо ҳадялар қаторида Абулхайрхонга пешкаш қилади. Абулхайрхон Робия Султонбегимни ўз никоҳига киритиб, Туркистонга олиб кетади.

Робия Султон бегим Абулхайрхондан икки ўғил кўрди, каттасига Кўчкунчихон, иккинчисига эса Суюнчхон деб ном берадилар.

Мазкур хонзодалар ўсиб-улгайиб, Шайбонийхон Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг Мовароуннаҳр сиёсий тарихида маълум роль ўйнадилар.

Абусаид Мирзо Мовароуннаҳр тахтини эгаллагандан сўнг у Хуросонда ҳам ҳокимиятини тиклаш учун Абулқосим Бобурга қарши курашди ва бу жойларни Абулқосим Бобур вафотидан сўнг яъни, 1457 йили эгаллаб, темурийлар давлатини бирмунча тиклашга муваффақ бўлди. Лекин бу даврга келиб, Ироқ, Ғарбий Эрон ва Озарбайжондаги темурийларга қарашли бир қатор жойлар қўлдан кетиб қолган эди.

1453 йилда Қора Юсуфнинг ўғли Жаҳоншоҳ Ғарбий Эронни босиб олган бўлиб, 1467 йили Жаҳоншоҳ вафот этгандан сўнг бу жойларда Абусаид ўз ҳукмронлигини тиклаш учун туркманларга қарши уруш олиб борди ва ана шу урушда 1469 йили ҳалок бўлди.

Абусаид 1451-1457 йилларда Турон, 1457-1469 йилларда эса Турон ва Хуросоннинг бош ҳокими бўлиб Хуросонда турди, унинг катта ўғли Султон Аҳмад 1469-1494 йиллари Самарқандда ҳоким бўлди. У 1494 йил июл ойида вафот этгандан кейин Самарқандда ҳокимиятни унинг иниси Султон Маҳмуд эгаллади (у илгари Ҳисор ва Бадахшон ҳокими эди). Лекин ҳокимият 5 ой ўтиб, 1495 йили декабрда Султон Аҳмаднинг ўғли Бойсунгур қўлига ўтди. У ҳам узоқ ҳукмронлик қилмайди (1495-1497), ундан кейин Самарқанд ҳокимлиги Султон Маҳмуднинг ўғли Султон Али Мирзо қўлига (1498-1500) ўтди.

Абусаид Мирзо 1451-1469 йиллари Мовароуннаҳр ва Хуро- сонда, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Султон Бойсунғур ва Султон Али Мирзолар Мовароуннаҳр шаҳарларида, Самарқандда ўз ном- ларидан кумуш тангалар зарб қилдирганлар.

Абусаид Мирзо тангаларининг орқа томонига:

ضرب السلطان الاعظم ابو سعد كوركان خلد الله ملكه وسلطانا نه

(зарб ал-Султон ал-аъзам Абусаид Кўрагон халдоллоҳ муликиху ва султанаху) деб ёзилган. ЎзТДМ, Н-47/94<sup>1</sup>.

Абусаид вафотидан сўнг ўғли Султон Аҳмад Самарқандда 1469-1494 йиллари ҳукмронлик қилиб ўз номидан танга пуллар зарб қилди. Бу тангаларнинг орқа томонига:

السلطان الاعظم سلطان احمد كوركان خلد الله تعالى ملكه وسلطانا نه ضرب سمرقند

(ас-Султон ал-аъзам Султон Аҳмад Кўрагон халдоллоҳ таъоло муликиху ва султонаху; зарб Самарқанд) деб ёздирган. ЎзТДМ, Н-21/98<sup>2</sup>.

1495 йили унинг иккинчи ўғли Бойсунғур 18 ёшида Самар- қанд тожу тахтига эга бўлди ва 1497 йилга қадар ҳукмронлик қилиб ўз номидан танга пуллар чиқарди. Бойсунғур пулларнинг орқа томонига: السلطان الاعظم خلد الله ملكه وسلطانا نه (ас-Султон ал-аъзам халдоллоҳ муликиху ва султанаху) деб ёздирган. Танганинг мар- казий қисмида юмалоқ доира ичига سلطان بای سنغور غازي Султон Бой- сунғур ғози; (901/1495-86) деб ёзилган бўлса, тангаларнинг олд томонига: لا اله الا الله محمد رسول الله (ла шайа иллоллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ), атрофига эса тўрт халифанинг номи ва сифатлари — Абу Бакр ас-Сиддиқ, Умар ал-Фаррух, Усмон зун-нурайн, Али ал-Муртазои — деб ёзилган. ЎзТДМ, Н-21/120<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> А.К. Марков. Инвентарный каталог. № 159-162. 671-бет.

<sup>2</sup> Е.А. Давыдович. Клады древних и средневековых монет Таджикистана, М., «Наука», 1979 г. 276-277-бетлар.

<sup>3</sup> А.К. Марков. Инвентарный каталог. № 197-215. 674-бет

Султон Али тангаларининг орқа томонига:

السلطان الاعظم المظفر سلطان علي بهادر خان خلد الله ملكه واسلطانه ضرب سمرقند ٩٠٤  
(ас-Султон ал-аъзам ал-Музаффар Султон Али баҳодирхон хал-  
доллоҳ таъоло муликху ва султанаху); зарб Самарқанд. 904/  
1498 деб ёзилган.





## ТЕМУРИЙЛАР АВЛОДИНИНГ ХУРОСОНДАГИ ҲУКМРОНЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ТАНГАЛАРИ

**XV** асрнинг охири ва XVI аср бошларидаги темурийларнинг Хуросондаги энг танилган ва атоқли ҳукмдорларидан бири Ҳусайн Бойқародир. Ҳусайн ибн Мансур ибн Бойқаро ибн Умаршайх ибн Темур 1438 йилда Ҳиротда туғилган.

Ҳусайн Бойқаронинг отаси Мансур Мирзо темурийлардан бўлишига қарамай фақир одам каби ҳаёт кечирган, тахминан 1445-1446 йилда вафот этган. Ҳусайн Бойқаро ўн тўрт ёшида онаси Феруза бегим билан маслаҳатлашиб, Абулқосим Бобур (Бойсунқур ўғли) хизматига кирган.

1454 йили Абулқосим Бобур билан Самарқанд ҳукмдори Султон Абусаид Мирзога қарши муваффақиятсиз юришларда қатнашган. Абулқосим Бобур Ҳиротга қайтишга мажбур бўлди. Аммо Ҳусайн Самарқандда қолди. Узоқ ўтмай Самарқанддаги Абусаид саройидаги Умаршайх Мирзо авлодига мансуб бўлган Султон Вайс Мирзо исён уюштириб Абусаид Мирзога қарши чиқди. Шундан сўнг Абусаид Мирзо Самарқанддаги Умаршайх Мирзо авлодига мансуб бўлган 13 нафар шаҳзодани, шу жумладан Ҳусайн Бойқарони ҳам ҳибсга олди.

Бу воқеадан ташвишга тушган Ҳусайннинг онаси Феруза бегим Султон Абусаид Мирзо саройига бориб Султондан илтифот сўраб, Ҳусайнни ҳибсдан озод қилди ва ўзи билан бирга Ҳирот-

га қайтариб келди ва яна Абулқосим Бобур саройида хизматда бўлди.

Лекин 1457 йили Абулқосим Бобур вафот этгандан сўнг Абу-саид Мирзо Ҳиротни эгаллаш билан Хуросон ва Турондаги те-мурийлар сулоласи ҳукмронлигини яна маълум вақт тиклаган бўлди.

Мансаб, ҳокимият ва шон-шухрат орзусида юрган Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни тарк этиб, Марв, Жом ва Мохон вилоятлари-нинг ҳукмдори Санжар Мирзо ҳузурига борди. Санжар Мирзо Абулқосим Бобурнинг вафотидан сўнг бу вилоятларни ўзи мус-тақил бошқармоқда эди.

Куч-қувватга тўлган 19 ёшли Султон Ҳусайн Бойқарони Сан-жар Мирзо жуда самимий ва илиқ кутиб олди ва унга ўзининг 15 ёшли қизи Бека Султон бегимни никоҳлаб қўйди. Санжар Мирзо унинг ишончи ва эътиборини қозонган куёви Ҳусайн Бойқарони Марвга ҳоким қилиб тайинлаб, ўзи Машҳадни эгал-лаш учун йўлга отланди.

Ҳусайн Бойқаро 1458 йилнинг баҳор фаслида ўзининг суво-рийлари билан Тажан томон юради. Журжон, Нисо ва Астро-бод шаҳарларини эгаллаб, Абусаид Мирзонинг энг кучли рақи-бига айланди.

1460 йили Абусаид Мирзо Ҳусайн Бойқарога қарши жуда куч-ли қўшин тортади. Вазиятни тўғри баҳолаган Ҳусайн Бойқаро Астрободни ташлаб чиқиб, Амударёдан кечиб ўтади ва Хоразм сари йўл олади. У кўп умрини Хоразм билан Бухоро ўртасида кезиб юриб ўтказди ва кутилмаганда 1469 йили Абусаид Мирзо Ироқда оққуюнли туркманларнинг ҳокими Узун Ҳасан билан Му-гон чўлида бўлган жангда ҳалок бўлди. Бу хабарни эшитган Ҳусайн Бойқаро Ҳирот сари йўлга отланиб, Абусаид Мирзонинг ўғилла-ри Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмуд Мирзоларга қарши юриш бошлади. Ҳусайн Бойқарога қарши тура олмасликка кўзла-ри етган Султон Аҳмад ва Маҳмуд Мирзолар Ҳиротни ташлаб чиқадилар ва Самарқанд сари йўл оладилар.

Шундай қилиб Хуросон ва унинг маркази Ҳирот учун олиб борилган узоқ йиллик курашлардан сўнг Султон Ҳусайн Бойқаро ғалаба қилиб, бу ҳудудда 38 йил ҳукмронлик қилди.

Ҳусайн Бойқаро Ҳиротда ҳокимият тепасига келган йили унинг мактабдош дўсти, бўлажак буюк шоир Мир Алишер Навоий ҳам унинг хизматига Самарқанддан Ҳиротга келган эди. Султон Ҳусайн Бойқаро унинг ёрдамида давлатни турли ички низолардан тинчитибгина қолмай, балки унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий аҳволини бирмунча яхшилади. Унинг даврида Хуросонда фан-маданият ва адабиёт ривож топиб, фуқаролар осойишта ва фаровон кун кечирганлар.

Ҳусайн Бойқаро 1469 йили 24 мартда Ҳирот шаҳрини эгаллагандан сўнг, унинг номига Жомеъ масжидида хутба ўқилди ва ўз номидан тангалар зарб қилдира бошлади.

Султон Ҳусайн Бойқаро замонида 875/1479-912/1506 Хурсоннинг Астробод, Машҳад, Марв, Сабзавор, Семнон сингари катта шаҳарларида олтин, кумуш ва мис тангалар зарб қилиниб, савдо муомаласида кенг юритилди. Биз қуйида Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан зарб қилинган тангалардаги ёзувлардан намуналар келтирамиз:

السلطان الاعظم ابو لغازي سلطان حسين بهادر خلد الله تعالى ملكه وسلطانه  
ضرب استرآباد ۸۹۷

(ас-Султон ал-аъзам, Абулғози Султон Ҳусайн баҳодир халдоллоҳ таъало муликиҳу ва султанаҳу); зарб Астробод. 897/1491-92 йил, ЎзТДМ, Н-47/82, Н-154/201, 902/1496-97 йил.

السلطان الاعظم ابولغازي سلطان حسين بهادر خلد الله تعالى ملكه وسلطانه  
ضرب مشهد ۸۷۴

(ас-Султон ал-аъзам Абулғози Султон Ҳусайн баҳодир халдоллоҳ таъало муликиҳу ва султонаҳу); зарб Машҳад. 874/1469-70 йил, ЎзТДМ, Н-47/89.

السلطان الاعظم ابو لغازي سلطان حسين بهادر خلد الله تعالى ملكه وسلطانه ضرب هراة ۸۹۰  
(ас-Султон ал-аъзам Абулғози Султон Ҳусайн баҳодир халдоллоҳ таъало муликиҳу ва султонаҳу); зарб Ҳирот. 890/1485 йил/.

ЎзТДМ, Н-47/90, Н-21/109, Н-47/87, Н-112/71, Н-154/203, Н-154/207, Н-154/207, Н-154/208, Н-154/209, йил саналари учган.

Султон Ҳусайн Бойқаро 68 йил яшаб, умрининг охириги йилларида касалга мубтало бўлиб қолди. Унинг 14 нафар ўғли бўлиб энг каттаси Баддиуззамон эди. Ўғилларидан еттитаси отаси ҳаёт вақтида вафот этган эдилар, қолганларидан икки нафари Баддиуззамон ва Музаффар ўзаро тахт учун кураш бошладилар. 1506 йили Султон Ҳусайн Бойқаронинг вафот этганини ва унинг ўғиллари ўртасидаги ўзаро иттифоқсизликни кўрган Шайбонийхон отнинг жиловини Ҳирот томон бурди.

Ана шундай жиддий бир пайтда Абусаид Мирзонинг набираси (Умаршайх Мирзонинг ўгли) Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиротга бориб Султон Ҳусайн Бойқаро ўғилларини иттифоқлаштириб Шайбонийхонга қарши курашга чақирди. Гарчи Бобур Мирзони Султон Ҳусайн Бойқаро ўғилларидан Баддиуззамон ва Музаффарлар жуда илиқ кутиб олган бўлсалар ҳам, лекин улар бирлашиб кетолмаган эдилар.

Шундай бир паллада Шайбонийхоннинг жуда кўп аскарлар билан Балхни эгаллагани ҳақидаги хабар Ҳиротга етиб келади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Султон Ҳусайн Бойқаро ўғиллари билан бир умумий иттифоққа кела олмаганлиги учун орқага қайтиб отни Қобул томон қамчилайди. Сўнгра Ҳиндистон томон юзланган Бобур Мирзо 1526 йили Шимолий Ҳиндистонда темуррийлар хукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди. Бобурийлар сулоласи бу кўҳна заминда расман 1858 йилга қадар хукмронлик қилдилар.

1507 йили Баддиуззамон билан Музаффарлар Шайбонийхонга қарши курашган бўлсалар ҳам, лекин улар енгилиб, ҳар томонга қараб қочиб ўз жонларини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Улар Гурган тарафга қочиб кетадилар, Музаффар Мирзо икки йилдан сўнг касалга чалиниб ўлади. Баддиуззамон эса 1517 йили Истамбулда дунёдан ўтади.

913/1507 йили Шайбонийхон ҳеч қандай қаршиликка учрамай Ҳирот тахтини қўлга киритади ва ўша йилнинг ўзидаёқ Ҳиротда-



ги катта Жомеъ масжидида ўз номига хутба ўқиттириб, тангалар зарб қилдиради. Ана шу хутба Амир Темур ва темурийлар авлодининг Хуросондаги ҳукмронлиги тутаганлигини билдирарди.

Бироқ Амир Темур ва темурийлар юритган ягона молия-пул сиёсати тарих қаърида беиз қолиб кетмади.

Амир Темур давлатнинг мустақил молия сиёсатини такомиллаштириш учун ўз давлат таркибига кирган барча мамлакатлар молиясини бир тизимга бирлаштирди ва уларнинг маъмурий бошқариш талаблари асосида идора қилиш усулларини жорий этди. Агар Оврўпода биринчи бюджет тузилиши Англия ва Францияда XVII асрда амалга оширилган бўлса, Амир Темур давлатида ундан 3 аср аввал мамлакатни идора қилишда бюджетнинг дастлабки куртаклари ишлаб чиқилиб, жорий қилинган эди.

Амир Темурнинг пул-молия сиёсати давлат ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётига, ички бозор ҳамда ташқи дунё билан савдо-сотиқнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган энг асосий омиллардан бири бўлган эди.

Амир Темурнинг бу борада қўлаган чора-тадбирларининг энг муҳими шубҳасиз, бу — барча ҳудудларга ўз номига «хутба» ўқитиб, зарб қилган ягона пул намуналаридир. Шунинг билан бирга бу бутун империя сиёсий, иқтисодий жиҳатдан бир бутун яхлит давлат эканлигини кўрсатувчи ўзига хос рамзий белги ҳам эди.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур даврида зарб қилинган барча танга пуллар энг асосий тулов воситаси сифатида давлатнинг ички ва ташқи савдо алоқаларида қўлланадиган пул бирлиги (валюта) бўлганлиги учун ҳам бу пуллар халқ орасида Амир Темур давлатининг сиёсий ва иқтисодий қудратини оширишга ва мустақамлашга хизмат қилган. Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати кейинги сулолаларга ҳам дастируламал бўлган. Ва улуг бобомизнинг бой тажрибаси бугунги авлодларга ҳам ўзига хос тажриба бўлиб хизмат қилмоқда.



O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGININ 5 YILLIGI  
1994

MIRZO ULUGBEK

MIRZO ULUGBEK

SAYYIDNALO

BUYUK SIYMOLAR

BUYUK SIYMOLAR  
ABU ALI

BUYUK SIYMOLAR

O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGININ 5 YILLIGI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
1994





## МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИ

**М**иллий валюта, Байроқ, Тугро, Мадҳия, Конституция каби давлат ва халқ рамзлари Ўзбекистон мустақиллигининг ҳам муқаддас рамзларидир. Ўзбекистоннинг истиқлолини мустаҳкамлаш, уни барқарор иқтисодий йулга солиш учун албатта миллий валютамызни чиқариш керак эди.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тугрисида"ги қонуннинг 11-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-ХII сон қарорига мувофиқ, бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда халқ турмушини давлат йўли билан ижтимоий кафолатлантириш учун, Президентимизнинг фармони билан, Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб ўзининг оралиқ валютаси — сўм-купонга ўтди ва 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000 ва 10.000 сўм қимматидаги сўм-купонлар муомалага киритилди.

"Янги валютага ўтиш — инқилоб билан баробардир"<sup>1</sup> — деб айтган эди Президентимиз Ислон Каримов. Яна у янги асосий валютага ўтишнинг зарур ва муқаррарлиги ҳақида тўхталиб: "Энг аввало, бошқа давлатлардан иқтисодий мустақил бўлиши учун республика ўз пулига, ўзининг миллий валютасига эга бўлиши лозим. Бу ҳар қандай давлатга хос бўлган белгигина эмас, шу

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996 й. 226-бет.

билан бирга, иқтисодий мустақилликнинг асосий шартларидан бири ҳамдир”,<sup>1</sup> — деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-ХП сон қарорига мувофиқ 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси муомалага киритилди. Янги, 1,3,5,10,20,50 тийинлик металл танга пуллар ва 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 қимматидаги “сўм” пул чиқарила бошлади.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ислохотчилик фаолияти, узоқни кўзлаб юритаётган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий сиёсати “ўзбек модели” тимсолида ўзининг ёрқин самарасини бериб, халқаро майдонда муносиб эътирофга сазовор бўлди.

Айнан истиқлол йилларида мамлакатимиз макроиқтисодий барқарорликка эришди, ишлаб-чиқаришнинг ўсиши билан миллий валюта — сўмнинг қадри кучайиб борди, жорий операциялар ҳисоби бўйича унинг алмашув қобилиятига эришилди.

Ҳозирги давр ривожланиш жараёнининг идизлари асрлар қаърига бориб тақалади. Ўз даврида, Амир Темур томонидан асос солинган ва умумий қонунларга риоя этишга асосланган давлатчилик, сиёсат, иқтисод ва молияни бошқаришнинг ўзига хос тамойиллари, усуллари ва анъаналари бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йиллари давомида ўзининг миллий валютаси — сўмини ва бир қатор юбилей, эсдалик тангаларни чиқарди. Улар ўзида миллий қайта уйғониш жараёнларини ва мустақил Ўзбекистоннинг энг илк пул тарихининг шаклланишини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан 1994 йил 1 сентябрдан ҳар бирининг қиймати 10 сўмлик иккита юбилей тангасини муомалага чиқарди.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон» 1996 й., 352-бет.

<sup>2</sup> 1997 йил 1 мартдан бошлаб 200, 2000 йил 1 июлдан 500, 2001 йилдан 1000 сўмлик пул муомалага чиқарилди.

1. Оқ рангдаги, қиймати 10 сўмлик 999,9 пробали кумушдан тайёрланган, вазни бир унция-31,103 граммдан иборат.

2. Сарик рангдаги юбилей тангаси мис-никел қотишмасидан тайёрланган, вазни 28,28 граммдан иборат бўлиб, у 10 миллиграмм оғирликдаги 999,9 пробали олтин билан қопланган.

Ҳар икки юбилей тангасининг диаметри 38,6 миллиметрли доира шаклида бўлиб, юз ва орқа томонидаги айланасида бўртиқ ҳошия бор.

Бу юбилей тангаларининг юз томонида Амир Темурнинг Тошкент шаҳрида ўрнатилган ҳайкали тасвирланган, танганинг юқори қисмида "TOSHKENT" ёзуви бўлиб, бу сўз икки томондан нуқта билан ажратилган. Қуйи қисмида ҳайкал айланаси бўйлаб "AMIR TEMUR HAYKALI" ва "10 SO'M" ёзувлари бор.

Юбилей тангаларининг орқа томони марказий қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат Гербининг тасвири берилган, унинг айланаси бўйлаб: "O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGINING 3 YILLIGI" ва "1994" ёзуви ҳамда нақш солинган.

Юбилей тангаларининг айланасидаги бўртган қисмлари тарам-тарам чизиқлидир. Бу тангалар чекланган миқдорда зарб қилинган бўлиб, нумизматик қийматга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан 1994 йил 10 октябрдан қиймати бир сўмлик юбилей ёдгорлик тангасини муомалага чиқарди.

3. Сарик рангдаги юбилей ёдгорлик тангаси мис қотишмасидан тайёрланган, вазни 16 граммдан иборат бўлиб, у 0,5 МКР қалинликдаги 999,9 пробали олтин билан қопланган.

Юбилей ёдгорлик тангасининг диаметри 31 миллиметрли доира шаклида бўлиб, юз ва орқа томони айланасида бўртиқ ҳошия бор. Танганинг юз томонида Улуғбек Мирзонинг қабарик барельефи тасвирланган, юқори қисмида айлана шаклида "MUHAMMAD TARAG'AY ULUG'BEK" ёзуви бўлиб, икки томондан нуқта билан ажратилган. Қуйи қисмида "1394-1449" рақами бор. Илм-фан рамзи сифатида астрологик асбоб-ускуна астролобия тасвири туширилган.

Юбилей ёдгорлик тангасининг орқа томони марказий қисмига эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби берилган ва унинг айланасида "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI" "1 SO'M-1994" ёзуви туширилган. Танганинг бутун айланаси бўйлаб нақш солинган.

Юбилей тангасининг бўртган қисмлари тарам-тарам чиқиқ-лидир. Бу юбилей ёдгорлик тангаси чекланган миқдорда зарб этилган бўлиб, нумизматик қийматга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги шарафига 100 сўмлик икки хил юбилей тангасини чиқарди.

4. Оқ рангли юбилей тангаси 999,9 пробали кумушдан тайёрланган бўлиб, унинг диаметри 38 мм., вазни 31,1 граммга тенг.

5. Сарик рангли юбилей тангаси 999,9 пробали кумушдан тайёрланган бўлиб, унинг диаметри 38 мм, вазни 31,1 грамм. Бу танга оғирлиги 0,011 граммга тенг 0,25 МКР қалинликдаги олтин билан қопланган.

Ҳар икки танга юз томонининг марказий қисмида от минган Амир Темур ҳайкали тасвирланган. Танганинг қуйи қисмида унинг қийматини кўрсатувчи "100" рақами бор бўлиб, унинг остида "SO'M" ёзуви битилган. Тасвирнинг сўл томонида 1336 ва ўнг томонида эса 1405 рақамлари берилган. Танганинг айланасига "AMIR TEMUR-660 YIL" - деб ёзилган.

Танганинг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган ва унинг айланаси бўйлаб "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI 1996" ёзуви битилган ва бу тасвир, ёзувлар қабарик ҳолда берилган.

Бу тангалар чекланган миқдорда чиқарилган бўлиб, нумизматик қийматга эгадир.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йили Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан олтин юбилей тангасини зарб қилди.

Мазкур танга соф олтидан тайёрланган бўлиб 999,9 пробага эга, унинг диаметри 38 мм., оғирлиги 31,1 граммни ташкил этади.

Танга олд томонининг марказида от минган Амир Темур ҳайкали акс эттирилган, унинг тагида танга қийматини англа-

тувчи "100 SO'M" ёзуви мавжуд. Ҳайкалнинг чап тарафида 1336 ва ўнгида 1405 рақамлари жойлашган. Танганинг юқори қисмида ёй шаклида "AMIR TEMUR-660 YIL" деб ёзилган. Танганинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Герби акс эттирилган ва унинг юқори қисмига ёй шаклида "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI" деб ёзилган бўлиб, пастки қисмида эса AU 999,9, 1997, 31,1 GR ёзувлари берилган. Танга чекланган миқдорда зарб қилинган бўлиб, нумизматик қийматга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан 2001 йилнинг 1 сентябридан қиймати 100 сўм бўлган диаметри 38 мм., оғирлиги 31,1 гр., 999,9 пробали кумушдан тайёрланган тангалар серияси муомалага чиқарилди. Уларда тарихий ёдгорликлар, мустақиллик даврида бунёд этилган меъморчилик обидалари ва спортнинг ривожланиши акс эттирилган.

Тангаларнинг олд томонида Амир Темур, Алишер Навоий ҳайкаллари, Тошкент Куранти, Регистон меъморий ёдгорлиги, Оқ Сарой ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бинолари, Темурийлар музейи, Мустақиллик майдонига ўрнатилган монумент, спортнинг теннис, миллий кураш, футбол турлари ва Олимпиада Шухрати музейи тасвирланган.

Пастки қисмида "100" рақами мавжуд. Барча тасвирлар атрофида "O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGINING 10 YILLIGI" деган матн бор. Тангаларнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган бўлиб, танга чиқарилган йил — "2001" рақами акс эттирилган. Шунингдек, танга чиқарилган йилнинг чап тарафида "Ag 999,9" ва ўнг томонида металнинг соф оғирлигини билдирувчи "31,1 gr" кўрсатилган.

Герб атрофида "O'ZBEKISTON MARKAZIY BANKI" деб ёзилган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан муомалага чиқарилган юбилей тангалари чекланган миқдорда тайёрланган бўлиб, бу тангалар ҳам нумизматик қийматга эгадир.

Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда миллий валютанинг жорий этилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бутун банк тизимининг

барқарор ишлаши, мустақил ва қатъий пул-кредит сиёсатини юритиш учун "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки туғри-сида" ва "Банклар ва банк фаолияти туғрисидаги" қонунлар қабул қилинди. Уларда халқаро тажриба ҳам, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мужассамлашган бўлиб, бу ҳужжатлар сўмни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Макроиқтисодий барқарорлаштириш йўлининг изчиллик билан амалга оширилиши пулнинг қадрсизланишини камайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва иқтисодий юксалишнинг бошланиши тамойилларини таъминлади.

Миллий пул тизими қийин иқтисодий шароитларни ўз бошидан кечирди. Ҳозир эса миллий пул тизими амал қилиши учун зарур бўлган янги инфратузилма — республика Валюта биржаси ташкил этилган. Пул босиб чиқариш фабрикаси қурилган, қоғоз фабрикаси ва танга зарб этадиган корхона барпо этилган. Шунини айтиб ўтиш муҳимки, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида ўз эҳтиёжига яраша валюта ва қимматли қоғозлар чиқара оладиган камдан-кам мамлакатлардан биридир.

Республика банклараро электрон тўловлар тизимининг барпо этилиши пул муомаласини мустаҳкамлашга жиддий таъсир ўтказди ва тўловларнинг ўтиш муддатини бир неча ҳафтадан бир неча дақиқагача қисқартириш имконини берди.

Миллий валютани янада мустаҳкамлаш молия-банк тизимидаги ташкилий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ. Бу ислоҳот натижасида йирик ва ўрта тижорат банклари билан бир қаторда хусусий банклар, бошқа кредит ташкилотлари ҳам ишлай бошлади.

Миллий валютани барқарорлаштириш, мустаҳкамлашда қимматли қоғозлар бозорининг аҳамияти каттадир. Тез орада хорижий сармоядорлар Ўзбекистон қимматли қоғозларини — қисқа муддатли давлат облигацияларини, республика корхоналарининг акцияларини эркин харид қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу мамлакатимизда қимматли қоғозлар фонд бозорини ривожлантиришдаги муҳим босқичдир.

Миллий валютани мустаҳкамлашда электрон пластик карточкалардан фойдаланиб, нақдсиз ҳисоб-китоб қилишнинг миллий



тизимини ривожлантириш ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, бу тизим бутун республикада амалга оширилди.

Президент Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида (2000 йил 22 январ), Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва банк тизимини ривожлантириш ҳақида алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: "Иқтисодий эркинлаштиришдаги бош вазифа — энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини — функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи гада, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат.

Айниқса, хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш лозим. Умуман, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш зарур. Бунинг учун тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратишимиз керак"<sup>1</sup>.

И.Каримов ўз маърузасини давом эттириб: "Асосий эътиборни институционал ўзгаришларга, молия ва банк тизимини ислох этишни янада чуқурлаштиришга, ривожланган бозор инфратузилмасини яратишга, рақобат муҳитини шакллантиришга қаратмоғимиз даркор. Банк тизимини тубдан мустаҳкамлаш, бу соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтириш талаб этилади",<sup>2</sup> — деб таъкидлаган эди.

Бундай қадамлар мамлакатимизнинг валюта тушумларини кескин купайтириш манбаи бўлган экспорт салоҳиятини ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, четга тайёр маҳсулот сотиш ҳажмини ўстириш, валюта бозорини янада эркинлаштириш ва миллий валютамизнинг халқаро жорий операциялар бўйича эркин айирбошланишини таъминлаш учун мустаҳкам асос бўлиб қолади.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. Т., "Ўзбекистон", 2000 й. 337-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда.

Ана шу шароитлар пишиб етилгандан сўнг, 2003 йил 15 октябрдан бошлаб Ўзбекистонда миллий валютамининг жорий операциялар бўйича эркин алмашуви, яъни конвертация амалга оширилди.

Жаҳон банк тажрибасидаги илгор хизмат турларини кенг татбиқ этиш, банкларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти, инвестицион фаолиятини ошириш, иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги тадбирлар, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз, банк тизимини ислоҳ қилишнинг муваффақиятини таъминлайди. Булар келгусида жамғармаларнинг ошиши, инвестицияларнинг рағбатлантирилиши, банкларимининг халқаро молия бозорларига дадил кириб боришига қулай шарт-шароитлар ҳозирлайди.

Хулоса қилиб айтганда, сўмни мустаҳкамлаш истиқболи, аввало иқтисодий янгилашиш вазифаларини ҳал этиш иқтисодиётнинг барча тармоқларида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада юксалишини таъминлаш билан боғлиқ, яъни мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти, барқарор валюта учун энг муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ТАНГА ПУЛЛАРИ КАТАЛОГИ

1. Мири, Амир Темур ва Суюргатмиш. Самарқанд. 783/1381-82.  
В=1,55 гр.  
Д=17мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/2. фото сурат № 1
2. Мири, Амир Темур ва Суюргатмиш. Самарқанд. 785/1383.  
В=1,42 гр.  
Д=16-17мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н- 401/7. фото сурат № 2
3. Мири, Амир Темур ва Суюргатмиш. Самарқанд. 786/1384.  
В=1,45 гр.  
Д=16-16,5мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/57. фото сурат № 3
4. Мири, Амир Темур ва Суюргатмиш. Самарқанд. 785/1383.  
В=1,49 гр.  
Д=15-16мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-154/164. фото сурат № 4
5. Танга, Амир Темур ва Суюргатмиш. Хоразм. Санаси сийқаланиб кетган. В=7,05 гр. Д=25-27мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/300. фото сурат № 5
6. Мири, Амир Темур ва Суюргатмиш. Самарқанд. 788/1386.  
В=1,16 гр.  
Д=15мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-47/14. фото сурат № 6
7. Мири, Амир Темур ва Маҳмуд. Самарқанд. 791/1388. В=1,59 гр.  
Д=17мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н- 154/169. фото сурат № 7
8. Мири, Амир Темур ва Маҳмуд. Самарқанд. 791/1388-89. В=1,54 гр.  
Д=17-18мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/63. фото сурат № 8
9. Фулус, Амир Темур. Самарқанд. 785/1383. В=4,13 гр.  
Д=25-27мм. мис. ЎзТДМ. Н-47/7. фото сурат № 9
10. Фулус, Амир Темур. Самарқанд. 785/1383. В=3,51 гр.  
Д=22мм. мис, яхши. ЎзТДМ. Н-47/8. фото сурат № 10
11. Мири, Амир Темур ва Маҳмуд. Самарқанд. 793/1391. В=1,51 гр.  
Д=14-16мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-47/21. фото сурат № 11
12. Мири, Амир Темур ва Маҳмуд. Самарқанд. 798/1395. В=1,51 гр.  
Д=15-16мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-154/171. фото сурат № 12
13. Мири, Амир Темур ва Маҳмуд. Самарқанд. 800/1397-98.  
В=1,49 гр.

- Д=16-16,5мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/192. фото сурат № 13
14. Мири, Амир Темур ва Маҳмуд. Хоразм. 797/1394-5. В=1,50 гр.  
Д=16-17мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/261. фото сурат № 14
15. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Шероз. 800/1397-98. В=6,24 гр.  
Д=24-26мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/303. фото сурат № 15
16. Танга, Амир Темур ва Муҳаммад Султон Язд. 805/1402-3.  
В=6,17 гр.  
Д=26-26,5мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/286. фото сурат № 16
17. Фулус, Амир Темур. В=2,45 гр. Д=19-20мм. мис, яхши. ЎзТДМ.  
Н-21/39. фото сурат № 17
18. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Бакуйе. Санаси сийқаланиб кетган. В=6,00 гр. Д=25-27мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/263.  
фото сурат № 18
19. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Бамиян. 799/997/1397-98. В=5,95 гр.  
Д=28-30мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/294. фото сурат № 19
20. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Исфакон. Санаси сийқаланиб кетган. В=6,03 гр. Д=24мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-154/180.  
фото сурат № 20
21. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Язд. 797/1394-95. В=5,94 гр.  
Д=24-28мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/282. фото сурат № 21
22. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Кашон. Санаси сийқаланиб кетган. В=6,12 гр. Д=25-26мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/288.  
фото сурат № 22
23. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Қум. Санаси сийқаланиб кетган. В=5,85 гр.  
Д=24-25мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/289. фото сурат № 23
24. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Мордин. Санаси сийқаланиб кетган. В=5,95 гр. Д=24мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-113/18. фото сурат № 24
25. Танга, Амир Темур ва Муҳаммад Султон. Султония. Санаси сийқаланиб кетган. В=6,21 гр. Д=25-29мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/295. фото сурат № 25
26. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Табриз. Санаси сийқаланиб кетган. В=6,00 гр. Д=25-26мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/298.  
фото сурат № 26
27. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Шабанкара. Санаси сийқаланиб кетган. В=5,90 гр. Д=25мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/302. фото сурат № 27
28. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Шемаха. Санаси сийқаланиб кетган. В=6,10 гр. Д=26-28мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/305. фото сурат № 28

29. Танга, Амир Темур ва Маҳмуд. Шероз. Санаси сийқаланиб кетган. В=6,15 гр. Д=23-24,5мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/304. фото сурат № 29
30. Мири, Муҳаммад Жаҳонгир ва Халил Султон. Самарқанд. 807/1404-5. В=1,53 гр. Д=15-16 мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/224. фото сурат № 30
31. Мири, Муҳаммад Жаҳонгир ва Халил Султон. Самарқанд. 808/1405-6. В=1,51 гр. Д=17-17,5 мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-401/247. фото сурат № 31
32. Танга, Шоҳруҳ. Аспара. 831/1427. В=5,12 гр. Д=20мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-21/60. фото сурат № 32
33. Танга, Шоҳруҳ. Аспара. 841/1437. В=5,07 гр. Д=19-19,5мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-47/66. фото сурат № 33
34. Танга, Шоҳруҳ. Астробод. Санаси сийқаланиб кетган. В=4,88 гр. Д=21-22мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-21/90. фото сурат № 34
35. Танга, Шоҳруҳ. Ҳирот. 829/1426. В=5,06 гр. Д=20-22мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-47/60. фото сурат № 35
36. Танга, Шоҳруҳ. Сова. 830/1426. В=5,08 гр. Д=22мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-21/56. фото сурат № 36
37. Танга, Шоҳруҳ. Самарқанд. 831/1427. В=4,52 гр. Д=21мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-21/59. фото сурат № 37
38. Танга, Шоҳруҳ. Самарқанд. 839/1435. В=5,06 гр. Д=22мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-154/195. фото сурат № 38
39. Танга, Шоҳруҳ. Самарқанд. 847/1443. В=5,13 гр. Д=22-23мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-112/70. фото сурат № 39
40. Танга, Шоҳруҳ. Самарқанд. 830/1426-27. В=5,18 гр. Д=21мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-21/57. фото сурат № 40
41. Танга, Шоҳруҳ. Самарқанд. Санаси сийқаланиб кетган. В=4,66 гр. Д=25мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-154/194. фото сурат № 41
42. Танга, Шоҳруҳ. Сабзавор. 832/1428. В=4,72 гр. Д=22мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-21/61. фото сурат № 42
43. Танга, Шоҳруҳ. Сабзавор. 827/1424. В=5,12 гр. Д=22-24мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-47/56. фото сурат № 43
44. Танга, Шоҳруҳ. Табриз. Санаси сийқаланиб кетган. В=5,12 гр. Д=19-20мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-21/92. фото сурат № 44
45. Фулус, Шоҳруҳ. Хоразм. 821/1418. В=4,10 гр. Д=21-22мм. мис, яхши. ЎзТДМ. Н-21/48. фото сурат № 45
46. Танга, Шоҳруҳ. Санаси сийқаланиб кетган. В=5,36 гр. Д=21мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-21/93. фото сурат № 46
47. Танга, Улугбек. Самарқанд. 853/1449. В=5,05 гр. Д=22-23мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-47/81. фото сурат № 47

- 47<sup>A</sup>. Танга, Улугбек. Ҳирот. 852/1448. В=5,50, Д=23-25 мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ Н-47/79. фото сурат № 47
48. Фулус, Улугбек. Шохруҳия. 832/1428. В=7,56 гр. Д=23-26мм. мис, яхши. ЎзТДМ. Н-21/76. фото сурат № 48
49. Фулус, Хоразм. 832/1428. В=2,75 гр. Д=22-23мм. мис, яхши. ЎзТДМ. Н-21/62. фото сурат № 49
50. Фулус, Самарқанд. 854/1450-51. В=4,64 гр. Д=22-23мм. мис, яхши. ЎзТДМ. Н-21/96. фото сурат № 50
51. Танга, Султон Аҳмад. Самарқанд. Санаси сийқаланиб кетган. В=4,71 гр. Д=25-26мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-154/200. фото сурат № 51
52. Танга, Султон Аҳмад. Санаси сийқаланиб кетган. В=4,78 гр. Д=26-27мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-21/98. фото сурат № 52
53. Танга, Бойсунгур. Самарқанд. 901/1495. В=4,82 гр. Д=24,5мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-21/120. фото сурат № 53
54. Танга, Султон Али Мирзо. Самарқанд. 904/1498. В=4,66 гр. Д=24-25мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-154/205. фото сурат № 54
55. Танга, Султон Ҳусайн. Астробод. 896/1491. В=4,69 гр. Д=26мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-154/202. фото сурат № 55
56. Танга, Ҳусайн ва тамга Бойсунқургози. Астробод. 902/1496. В=5,00 гр. Д=22мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-154/201. фото сурат № 56
57. Танга, Султон Ҳусайн. Астробод. Санаси сийқаланиб кетган. В=3,75 гр. Д=24,3мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-21/117. фото сурат № 57
58. Танга, Султон Ҳусайн. Ҳирот. Санаси сийқаланиб кетган. В=4,71 гр. Д=24мм. кумуш, яхши. ЎзТДМ. Н-154/207. фото сурат № 58
